




Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2011-yil 24-noyabr № 140-141 (3022) payshanba

Наманганда «Матбуот кунлари»

Учрашув



Юзма-юз

Кеча Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Матбуот кунлари» доирасида тадбир бўлиб ўтди. Унда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририятининг бир гуруҳ ижодкорлари, вилоят касаба уюшма етакчи ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Анжумани вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова очар экан, бугунги тезкор замонда матбуотнинг аҳамияти, хусусан, касаба уюшмалари нашри ҳисобланган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг ўрни хусусида алоҳида тўхталди.

— Ҳар бир фуқаро, айниқса, касаба уюшмасида ишлайдиган касбдошларимиз давр билан ҳамнафас яшамоғи лозим. Шундагина у жамоадаги маънавий муҳитнинг соғломлигини таъминлашга ҳисса қўша олади. Бу борада бизга «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари кўмакчи ва таянч бўлмоқда, — деди,

жумладан, нотиқ ўз сўзида.

Шундан сўнг тахририят бош муҳаррири сўз олиб, газетадаги иш жараёни, шиддатли ахборот маконида ўз ўрни ва сўзига эга бўлиш учун олиб борилаётган тинимсиз изланишлар ҳақида гапириб берди.

— Сўзим аввалида таъкидлашни истардимки, бугунги юзма-юз мулоқот, бундай қошоналарда ўтириш бахти ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, — дея мулоҳазаларини билдирди у. — Юртбошимизнинг яқиндагина тақдироти ўтказилган асари — «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида таъкидланганидек, бу кунларга, тинч-озод замонларга етишиш учун қанча-қанча машаққат-

лар бошдан кечирилди. Ўша машъум кунлар гувоҳига айланганлар орамизда ўтиришибди ҳам. Юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг, чуқур ўйланган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёритишда биз журналистлар сезинг, яъни халқнинг қалбидаги гапларга таяна-миз.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида акс этган ғоялар Президентимиз таклиф этган Концепцияда мантиқан давом эттирилди. Концепцияда илгари сурилган фикрлар сизу бизнинг олдимизга қатор вазифаларни қўйди. Ўзини шу элнинг фарзанди ҳисоблаган замондошларимиз бугун шу талаб ва янгиланишлар асосида фаолиятини такомиллаштираётир. Бу жараён касаба уюшмалари тизимида янада яққол кўзга ташланмоқда. Газеталарни тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ЎзКУФК топшириғи билан «Матбуот кунлари»нинг ўтказилаётгани ҳам фикримиз далилидир. Тахририят фаолиятига бундай эътибор бизни янада илҳомлантиради.

Шундан сўнг қизгин мулоқот жараёни бошланди.

▶ **Ҳамидхон ДАДАБОВ**, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири:

— Юқорида «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби ҳақида тўхталиб ўтилди. Шу асарда баён этилган кунлар эса биз яшаган, ишлаган ва ўша воқеаларга гувоҳ бўлган давримиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳамюртларимиз, ёшларимиз билан учрашувларда бу неъмат қадрини теранроқ англашга чорлаяпмиз. Бу борада бизга «Ishonch» яқиндан ёрдам бермоқда. Жойлар-

да ўтказилаётган маънавий соатларида газета ўқишни йўлга қўйдик.

▶ **Раҳматилла ФИЁСОВ**, Наманган шаҳар 26-мактаб касаба уюшмаси раиси:

— Газетада ҳуқуқий савол-жавоб саҳифалари яхши ташкил этилмоқда. Кучли ҳуқуқшунослар, ҳар бир соҳанинг мутасаддилари жалб этилган. Тарғиботга кўпроқ эътибор қаратилаётган замонда бундан ҳам унумли фойдаланса бўлади. ТВда худди шу йўналишдаги кўрсатув ҳам бор. Шартнома орқали ёки шунга ўхшаш эфирлар ташкил этибми, «Ishonch»га жавоб бериша-

ди» рукни ТВга ҳам кўчирилса, газетанинг обрўси, табиийки, ўқувчилари ҳам ортарди.

▶ **Акмал УСМОНОВ**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган тумани бирлашган кўмитаси раиси:

— Газета кундан-кунга қизиқарли бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам обуна жараёнида қийинчилик сезмаяпмиз. Аммо унинг нархи борасидаги ҳар хилликка ойдинлик киритиш вақти келди. Шунинг учун худди хорижий нашрлар каби «Ishonch»ни ҳам теле-тайп орқали водийга етказиб, шу ернинг ўзида нашр

этилса, обуначилар учун катта қулайлик туғиларди.

▶ **Муаззамхон НУРИЛЛАЕВА**, Наманган шаҳар 39-мактаб касаба уюшма кўмитаси раиси:

— Матбуот кунлари Намангандан бошланганини эшитиб жуда тўлқинландим. Вилоятимизга бўлган мөҳр, эътибор учун раҳмат. Ўз саҳифаларида фаолларимиз фаолиятига, худудимиздаги янгиланишларга алоҳида ўрин ажратаётган газеталаримизни биз ҳам юракдан ардоқлаймиз.

Дилдора **РАҲМОНОВА**, «Ishonch» муҳбири, Абдуносир **КҮЧҚОРОВ** олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўқув марказида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кенгашлари ҳамда Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшмаси таркибидаги бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари малакасини ошириш бўйича ўқув бўлиб ўтмоқда.

Самимий мулоқот

Ўқув доирасида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририят ходимлари ҳамда ўқув иштирокчилари ўртасида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

— Сизлар газетамизнинг энг фаол муштарийлари ҳисобланасизлар. Шу боис ҳам нашримиз саҳифаларида таълим, фан ва маданиятга оид мақолалар кўп берилади. Бугунги учрашувимиздан мақсад ҳам яқин ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш, газетамизга нисбатан муносабат ва таклифларингиздан баҳраманд бўлишдир. Зеро, нашримизнинг келгусидаги мазмун-мундарижасини белгилашда бу жуда муҳим аҳамиятга эга, — деди бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин Рихсиев.

Шунингдек, газета фаолиятида касаба уюшмалари тарғиботига янада жиддий эътибор қаратилаётгани, тахририят веб-сайти орқали газета саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар билан яқиндан танишиб бориш имконияти мавжудлиги таъкидланди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда иштирокчилар томонидан газета саҳифаларини бойитишга кўмак берадиган фойдали таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Чекка худудлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишини, айниқса, улар ташаббуси билан йўлга қўйилаётган тадбиркорлик фаолияти, ходимлар манфаатини ҳимоялаш борасидаги сайёҳаракатларни кенг ёритиш, тарғиб этиш борасида қизиқарли фикрлар билдирилди.

Шунингдек, Тошкент вилоят агросаноат мажмуи ходимлари, Тошкент шаҳар ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси кенгашларида ҳам худди шундай учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўз муҳбиримиз

Наманган

Наманган вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига ўндан ортиқ масала қўйилган бўлиб, даставвал Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 2011 йил 28 октябрдаги «Андижон, Бухоро ва Наманган вилоятлари касабаси уюшма ташкилотларида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2011 йил 21 июлдаги «Андижон, Бухоро ва Наманган вилоятлари касабаси уюшма ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш натижалари тўғрисида»-ги қарорининг бажарилиши юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Муҳим масалалар муҳокамаси

Ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, бу борадаги вазифалар юзасидан бирлашманинг юридик бўлими мудир К.Мавлонов маъруза қилиб, енгил саноат, маданият соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларга яратилаётган шароитлар тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, ижтимоий сугурта ҳамда касабаси уюшма бюджетининг ижроси, Жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши ва касабаси уюшмалари тармоқ вилоят кенгаши томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили тадбирларининг бажарилиши, ЎЗКУФК раёсатининг «Касабаси уюшмалари Марказий кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини инвентаризациядан ўтказишнинг дастлабки натижалари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон касабаси уюшмалари картаси тўғрисида»-ги қарорлари бажарилиши, бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш ҳақидаги ишларнинг бориши ҳам атрафлича муҳокама этилди.

Бирлашма бош тафтишчиси Шухратжон Саматовнинг касабаси уюшма маблағлари ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш тўғрисидаги мулоҳазалари кўпчиликда қизиқиш уйғотиб, турли таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, паррандачиликни ривожлантириш, шу ҳисобдан маблағни кўпайтириш мақсадида туманларда инкубаторийлар ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, ишни самарали ташкил этиш, маблағларни тўғри йўналтириш, ҳужжатлаштиришларда камчиликларга йўл-қўйишнинг олдини олиш мақсадида ўқувлар ташкил этиш масаласи муҳокама этилиб, бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидagi барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Д. РАҲМОНОВА

Бухоро

Хонадонларга тоза ичимлик суви



Бундай шукроналикка тўла фикрларни Когон туманидаги Чамбарон қишлоғининг ҳар бир хонадонидан эшитиш мумкин. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг аниқ режа асосида олиб борилгани айтиш мумкин. Чунончи, қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида «Беклар», «Янги ҳаёт», «Сухор», «Ўба-чўли» қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги эскириб қолган қувурлар янгиларига алмаштирилди. Шунингдек, Вадан, Гончи, Қумработ, Чамбарон қишлоқлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида янги қувурлар ётқизилди.

— Туман қишлоқларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун жорий йилнинг 9 ойида белгиланган ҳудудларда таъмирлаш ва янги қувурлар ётқизиш ишлари тўлиқ амалга оширилди, — дейди Когон «Сувоқав» ишлаб чиқариш давлат корхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Ойбек Самадов. — Тўртинчи чорақда ҳам бу ишлар давом эттириляпти. Вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи инженеринг компанияси йўналиши бўйича «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Туркманўғли ва Чорободбоғ қишлоқлари аҳолисини учун 3,2 километр узунликда сув қувурлари ётқизилди. Жамоамиз эса сув қувурларидан фойдаланишда

барча имкониятни ишга солдилар. Айтиш мумкин, сув узатиш иншооти қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ушбу станция ишга тушиши билан Янги ҳаёт, Ниёз Ҳожи, Сухор, Сорғун, Чолоки қишлоқлари, янги қуриладиган намунавий уй-жойлар ва «Когон» ҚФЙ ҳудудидаги аҳолининг ичимлик суви таъминоти янада яхшиланади.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Суратда: корхона пайвандловчиси Раҳимддин Жабборов ва чилангар Гайбулла Раҳимов иш устида.

Муаллиф олган сурат

Навоий

Ванғози кардони

Қизилтепа тумани «Ванғози» ҚФЙ ҳудудида яшовчи тадбиркор Лазиз Саломов томонидан қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини қадоклайдиган кичик корхона ишга туширилди.

Умид Нарзиев етакчилигида калава ип ишлаб чиқариш фабрикаси фаолияти йўлга қўйилгани ҳам қишлоқ аҳли учун янги имкониятларни очиб берди. Муҳими, 30 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

Холбиби ТУРДИЕВА

Тошкент

«Пойтахт» бизнес марказида «Катталар учун экологик таълим: унда ОАВ имкониятларидан фойдаланиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Халқаро журналистларнинг қайта тайёрлаш маркази ва dvv international (Германия халқ университетлари Ассоциацияси) томонидан ўтказилган икки кунлик тадбирда ёш журналистлар ва Экологик ҳаракат вакиллари иштирок этиб, тренинг машғулотлари олиб борилди.

Экологик ТАЪЛИМ

— Семинардан мақсад ёш журналистларнинг экология соҳасида билимини ошириш, уларда экологик вазият ва муаммоларни таҳлил қилиш кўникмасини яратиш, мазкур мавзуда мақола ёзиш бўйича амалий тавсиялар бериш, экологик ҳаракат ҳамда шу йўналишда фаолият юритаётган ташкилотлар билан ўзаро алоқани йўлга қўйишдан иборат, — дейди тренерлардан бири журналист Наргис Қосимова.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда дунё тажрибасида биринчи бор Қонунчилик палатасидаги 15 та ўрин Экологик ҳаракат учун ажратилди. Бугун республикада 250 дан ортиқ экологик ва тиббий нодавлат нотижорат ташкилотлари иш юритмоқда. Тадбир доирасида иштирокчи ва мутахассислар томонидан экологик мавзунинг ёритадиган ОАВ ҳамда экологик йўналишдаги ННТлар фаолияти таҳлил қилинди. Экологияга тегишли қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилди.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Сурғарё

Муносиб рағбат

Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси хайъат кенгаши ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раёсатининг кўшма қарори асосида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчи-ҳодимларининг меҳнатини рағбатлантиришга бағишланган тадбир ўтказилди.

Олим Хўжаев номидаги вилоят мусикали драма театрида ўтказилган тадбирда таълим муассасаларининг тажрибали, энг фаол ўқитувчиларидан 550 нафардан ортиги иштирок этди. Уларнинг 120 нафарига ҳамда ўрта махсус тизимида ишлаган, бугунги кунда нафақада бўлган 10 нафар фахрийга вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва бирлашган касабаси уюшма кўмитасининг фахрий ёрликлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Пойтахтимиздан келган таниқли санъаткорлар — «Нихол» мукофоти соҳиби Шаҳноза Отабоева, Ёшларнинг сеvimли санъаткори Алишер Файз ҳамда таниқли кизикчи Болтабой Тешабоевларнинг чиқишлари тадбирга кўтаринки кайфият бағишлади.

Рустам АБДУСАЛОМОВ,
бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси

Хоразм



Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддаси

Юртбошимиз ташаббуси билан қайта тикланган Хоразм Маъmun академияси бугунги кунда чинакам маънавият ва маърифат масканига айланди. Айтиш мумкин, олтита йўналиш бўйича ўн етти лойиҳа устида илмий иш олиб борилмоқда. Хоразм давлатчилиги, қадим кўлэмалар тадқиқи, Хоразм воҳаси экологик ҳолати мониторинги, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш соҳасидаги изланишлар ҳақида, айниқса, илиқ фикрлар билдириш мумкин.

Ёдгорликлар умри узаяди

Ўзимга келсак, кўпдан бери қадим ёдгорликлар умрини узайтириш, уларни келгуси авлодларга етказиш мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб боряпман. Бунинг сабаби бор, албатта. Кейинги йилларда Оролбўйининг носоглом экологик муҳити обидаларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Пештоқлар, деворлар ва гумбазларда турли ёриқлар, ер ости намлигининг пойдеворлардан 3-4 метр кўтарилиши, минораларнинг ўз ўқиға нисбатан вертикал оғиши кузатилмоқ-

да. Бу табиий офатнинг олдини олиш мақсадида академиямиз олимлари фаоллик кўрсатишяпти. Тегишли мутасадди ташкилотлар билан дастур ишлаб чиқилиб, тадбирлар белгиланди. «Саид Шоликор» масжиди минораси, Оллоқулихон, Қутлугмурод Иноқ мадрасалари ва бошқа қатор тарихий обидаларда таъмирлаш ишлари бажарилди.

Гавҳаржон ДУРДИЕВА,
Хоразм Маъmun академияси илмий ходими, техника фанлари номзоди

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, эришилаётган юксак натижалар, шубҳасиз, халқимизнинг келажакка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳам «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида бу жараёнга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳар қандай соҳани ривожлантиришда, албатта, унинг ҳуқуқий кафолатларини яратиш ва унга сўзсиз амал қилиш талаб этилади. Шунга кўра, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари қошида кичик бизнес соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларни мазкур соҳа бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари билан яқиндан таништириш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида «Юридик маслаҳатхона»лар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, бирлашмаларда «Ишонч телефонлари» ташкил этилиб, уларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш, улар юзасидан тегишли ташкилотларга сўровлар юбориш, қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда белгиланган муддатда тақдимномалар киритиш каби вазифалар юклатилган. Ўтган даврда «Ишонч телефонлари»га тадбиркорлар томонидан 400 дан ортиқ мурожаат тушди ва улар бўйича ҳуқуқий маслаҳат ҳамда ўрнатилган тартибда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ислохотлар йўлида камарбастамиз

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қўллаб-қувватлаш касаба уюшмалари олдидаги асосий вазифалардан. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида тузилаётган тармоқ келишувлари амалдаги икитадан тўрттага етказилганлиги ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзулгуржисавдо-инвест» уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан Федерацияси ўртасида ўзaro ҳамкорлик тўғрисида 2011-2013 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувлари имзоланди.

Бундан ташқари, жойларда кичик бизнес субъектларининг жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиниши даражасини 1,5 баравар кўпайтириш борасидаги амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда. Имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 10 минг нафардан ортиқ фарзандлари учун 332,5 млн. сўмлик ўқув қуроли ва дарсликлар харид қилинди, кам таъминланган оилаларнинг 9,4 минг нафарга яқин вакилига 600 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ўтган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида 1331 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ташкил қилиниб, 32 минг 958 нафар ишчи-ходим улар сафига жалб этилди.

Шу ўринда касаба уюшмаларининг соғломлаштириш ва дам олдириш борасидаги фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсак. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ходимларидан 1201 нафари касаба уюш-

малари санаторийларида имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Эътиборли жиҳати, «Ташаббус-2011» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичида «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» ва «Энг яхши тадбиркор» номинацияларида фахрли ўринни эгаллаганлардан 27 нафарига санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Соҳа ходимларининг 4153 нафар фарзанди имтиёзли равишда касаба уюшма маблағлари ҳисобидан болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

Ходимларнинг маданий дам олиши ҳамда жисмонан соғлом бўлиши йўлида касаба уюшма ташкилотлари фаол эканини таъкидлаш жоиз. Жойлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-ходимлари ва тадбиркорлар ўртасида Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган Республика «Саломатлик» спартакиадасининг куйи босқичлари юқори савияда ташкил этилди. Спартакиаданинг финал босқичи жорий йилнинг 16-18 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида барпо этилган иншоот ва маданият масканларига, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига тадбиркорлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакилларидан 3269 нафарининг саёҳати уюштирилди.

Касаба уюшма маблағлари ҳисобидан янги иш жойлари барпо этиш, янги тадбиркорлик субъектларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида «Ёш туристлар» меҳмонхонасини қуриш учун бугунги кунгача 2,5 млрд. сўмлик иш бажа-

рилди. «Хўжакент» МЧЖ дам олиш уйида қўшимча (масаж бўйича) хизмат кўрсатиш бўйича янги иш жойи ҳамда «Назарбек» санаторий-профилакторийсида бир иш ўринли пойабзал таъмирлаш устахонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонасида касаба уюшма кўмитасига қарашли «Бройлер» паррандачилик комплекси ташкил этилди. «Муборакнефтьгазмонтаж» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси томонидан эса иссиқхона барпо этилиб, айнаи дамда қишлоқ хўжалиги экинлари парвариш қилинмоқда.

Мамлакатимиз корхона ва ташкилотларида «Кичик бизнес ва тадбиркорлар йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан мунтазам равишда учрашув ва тадбирлар ташкил этилмоқда. Давлат дастури ижроси юзасидан касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар телевидение, радио ҳамда матбуот орқали кенг ёритиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакки, ўтган даврда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар учун 5 млрд. 159,1 млн. сўм маблағ сарфланди. Соҳани янада ривожлантириш, тадбиркорларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Мониторинг ва ахборот гуруҳи маълумотлари асосида «Ishonch» мухбири Акмал ТОШЕВ тайёрлади



Қут-барака манбаи

Самарқанд вилоятида 512277 та хонадон қарийб 86 минг гектарга яқин ердан томорқа сифатида фойдаланиб келаяпти. Жорий йилда ушбу майдонларнинг 12651 гектарида сабзавот, 20848 гектарида галла, 1579 гектарида полиз, 9116 гектарида картошка, 1289 гектарида макка, 10505 гектарида бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.



Томорқа — рўзгорга барака. Парча ердан оқилона фойдаланиб, рўзгорга қут-барака киритаётганлар оз эмас.

Хусусан, Самарқанд тумани аҳолиси томорқадан самара олиш ҳадисини олган. Найзатепа ва Қавчинибало маҳаллаларида ер самарадорлиги ўта юқори. Бу ерда истиқомат қилаётган Шодибой Маҳмудов, Абдуҳаким Муҳаммадиев, Жўрабек Боқиев оилалари шахсий томорқадан мўмай даромадга эга бўлишмоқда. Улар 24 сотих майдонда иссиқхоналар ташкил этиб, уч маротаба баракали ҳосил олишяпти. Бу йил 2 тонна сабзи, 4 тонна қарам, 1,7 тонна картошка, 6,1 тонна бодринг, 4 тонна помидор, 2 тонна қизил лавлаги, 2 тонна

лимон етиштирилди. Боғу тоқзорлардан 2 тонна узум, 600 килограмм шафтоли, 100 килограмм ёнғоқ олинди. Эҳтиёждан ортган 3,5 млн. сўмлик сабзавот, 8,5 млн. сўмлик кўкат, 13 млн. сўмлик суг-гўшт маҳсулотлари, 5 млн. сўмлик атиргул кўчатларини бозорга чиқарилди. Оилаларнинг томорқадан олган соф даромади 75 млн. 920 минг сўмни ташкил этди.

—Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисиغا Мурожаати томорқадан фойдаланишни ривожлантиришга хизмат қилади, албатта, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тойлоқ туман кенгаши раиси Баҳодир Мусинов. — Богизогон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ушбу масалада кўргазмали семинар ташкил этдик. Томорқа эгаларини мева-сабзавотларнинг сифатли уруғи, серҳосил дарахт кўчатлари билан таъминлашга эътибор қаратилди. «Агробанк»нинг Тойлоқ филиали кўмағида терминаллар билан таъминланган 2 та кўчма дўкон ташкил этилди. Қишлоқ хонадонларига автотўқон орқали сифатли уруғ етказиб берилаётди.

Нарпайлик Лазиз Эшонкуловлар хонадони муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда қурган енгил конструкцияли иссиқхонага ҳавас қилганлар сони тобора ортиб бораёпти. Мўҳими, хонадоннинг беш нафар аъзоси иш билан таъминланиб, рўзгор эҳтиёжи тўла қопланапти.

Пахтачи туманидаги Ниёзжоби маҳалласи аҳли азалдан дехқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига турмуш фаровонлигини таъминлаб келади. Касаба уюшмаларининг «Энг намунали томорқа соҳиби» кўрик-танловининг ғолиблари ҳам шу маҳалла фуқаролари. Худудда истиқомат қилаётган 540 та оиланинг қарийб барчаси томорқага меҳр қўйган.

Турмуш фаровонлиги ҳар кимнинг ўз кўлида. Фақат интилиш, режали ҳаракат рўзгорга барака келтиришини тобора кўпроқ киши тушуниб етаяпти.

**Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

Келинг, хуш кўрдик

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети касаба уюшма кўмитаси томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимлар манфаатини назарда тутиб, 2010 йилда иш бошлаган. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида 15-20 фоиз арзонлаштирилган нархда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо бозори жорий йилда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Апрел ойдан бошлаб, ҳар ҳафтанинг жума кунлари озиқ-овқат маҳсулотларига қўшимча равишда тоғ асали, тухум ва гўшт маҳсулотлари савдоси ҳам йўлга қўйилди.

Ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида Зангиота туманидаги «Тўхтаниёз ота», шунингдек, Бўстонлик туманидаги асалчилик хусусий фирмалари билан шартнома тузилиб, ҳамкорлик ўрнатилганлиги ҳам айнаи муддао бўлди.

Ўрта Чирчиқ туманидан келтирилган озиқ-овқат ва етиштирилган барча маҳсулотлар университет ходимларига арзон нархларда сотилиши кўзда тутилмоқда.

**Файзулла БАХРОМОВ,
ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчи ва
ходимлар касаба уюшмаси кўмитаси раиси**

Ташвишларда бордек ҳаловат

Кўлимда бежирим муқовали китобча. Жиззах вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича услубий кўлланма»си. Зарур тавсияларга бой ушбу китобча вилоятдаги ҳар бир бошланғич касабаси уюшма ташкилоти етакчиси иш столидан жой олган.

Вилоят КУТБК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Абдурауф Сангилов мазкур кўлланма устида ишлаш давомида кўп йиллик тажрибасига таяниш билан бирга амалиётчи мутахассислардан маслаҳатлар олди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 1995 йилдан мулкчилик

шакли, хўжалик фаолияти соҳаси, идоровий дахлдорлигидан қатъи назар ёлланма меҳнат қўлланиладиган ҳар бир корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолият юрита бошлади. Натижада, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати олиб бориш тақомиллашди.

Бирлашма кенгашига тушаётган мурожаатларнинг аксариятида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш ёки хизмат жойида бахтсиз ҳодисага учраб, товон пули, бир йўла бериладиган нафақа қонуний муддатларда тўланмаётгани акс этган.

— Хат ортида инсон тақдири борлигини доимо ҳис этаман, — дейди А.Сангилов. — Шунинг учун ҳар бир мурожаат синчиклаб ўрганилиб, тегишли чора-тадбир белгиланади. Бажарилган ишлар юзасидан аризачилар, албатта, хабардор қилинади.

Эътиборлиси, касабаси уюшма органи томонидан фуқароларнинг манфаатини кўзлаб, судларда даъво иши кўзга тушиб бормуна ортди. Ўтган даврда тўққиз нафар иш вақтида жабрланганларнинг ҳуқуқий манфаати суд орқали тикланди. Уларга ўттиз миллион сўмдан ортиқ товон пули ундириб берилди.

Масалан, фуқаро Нигора Рўзикулова судда даъво кўзга тушиб, Жиззах Давлат ўрмон хўжалигидан ногиронлиги меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш оқибатида келиб чиққан деб ҳисобланиши ва йўқотилган иш ҳақи (товон пули), бир йўла тўланадиган нафақа, моддий ва маънавий зарарини ундириб беришни сўраган. Судда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим мудири И.Жабборов мутахассис сифатида даъвогарнинг бахтсиз ҳодисага учраши иш вақтидан сўнг автоҳалокат натижасида содир этилган, унинг шаҳар боғларини кўриши ва назорат қилиши ҳақида иш берувчи томонидан буйруқ чиқарилмагани, Н-1 шаклидаги форма ҳам тўлдирилмаганлигини баён этди.

Ушбу судда мутахассис сифатида сўралган вилоят КУТБК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири А.Сангилов қатъий туриб, даъвогар корхона раҳбарининг топшириғига кўра кечки пайт шаҳар боғларини кўриб қайтишда бахтсиз ҳодисага учраганини, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомга кўра ушбу воқеа иш билан боғлиқлиги, корхона жабрланувчига товон ва нафақа пулларини тўлаши кераклигини билдирди. Чунки, даъвогар корхона раҳбарининг оғзаки топшириғи билан ишдан қайтишда бахтсиз ҳодиса юз бергани, жабрланувчи воқеа содир бўлганда ариза бермаган тақдирда ҳам иш берувчи Н-1 шакли формани тўлдирганда мажбурилик, ишга келаятганда ёки ишдан қайтаётганда ходимнинг шикастланишига иш берувчининг иш жойида белгиланган иш соатларининг таъсири йўқлиги, шунингдек, Ҳукуматимизнинг 1994 йил 11 майдаги қарорининг 7-илоvasи «г» бандига кўра ишга бораётганда ёки ишдан қайтаётганда ёки ишда олинган ногиронлик меҳнатдан майибланиш туфайли содир бўлган деб ҳисобланишини баён қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди ҳал қилув қарори билан даъвогар Н.Рўзикулованинг бахтсиз ҳодисага учраганлиги меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган деб топилди, унинг фойдасига Жиззах Давлат ўрмон хўжалигидан 513 996 сўм бир йўла тўланадиган нафақа, 2.169.079 сўм товон пули, 553 505 сўм дори-дармон ва қўшимча харажатлар учун ҳамда 100 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Яна бир мисол. Бахтсиз ҳодисада жабрланган Д.Бурҳонов «Ботир НК» хусусий корхонасида меҳнат қобилиятини 75 фоиз (ТМЭК хулосасига кўра) йўқотгани, товон пули тўғри тўланмаётгани тўғрисида шикоят қилди. Касаба уюшмаси аралашувидан сўнг жабрланувчига ҳар ойда 70.576 сўм товон пули тўлаб бериладиган бўлди.

Шунингдек, Жиззах туманидан М.Ҳабибуллаева, янгиободлик Н.Бойжигитов; А.Шукурова, Т.Ҳасанова, Д.Бўронова кабиларнинг меҳнат муҳофазаси, бахтсиз ҳодиса туфайли тўланадиган нафақа, товон пули ҳақидаги мурожаатлари ҳам бўлим томонидан ўрганилиб, вақтида ҳал этилди.

— Касаба уюшмалари кучли фаолият юритган жойда иш ўринлари ҳам хавф-хатарсиз бўлади, — дейди А.Сангилов. — Бугунги касабаси уюшмалари меҳнат муҳофазасининг янги иқтисодий муносабатларга мос, бозор шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган ҳуқуқий негизини яратмоқда. Галдаги муҳим вазифаларимиз иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, меҳнат шароити ҳолатини паспортлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар сонини етарли даражага етказиш кабилардан иборат.

... 37 йиллик фаолиятини меҳнатни муҳофаза қилишда машаққатли ҳамда шарафли вазифага бағишлаган Абдурауф Сангилов босиб ўтган ҳаёт йўлидан мамнун.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» муҳбири

● Самарқанд туманидаги Абдурауф Давронов номли фермер хўжалиги қарийб 40 нафарга яқин кишини доимий иш билан таъминлади. Бу, албатта, таҳсинга сазовор бўлса-да, одамларни дала юмушлари билан банд этишнинг ўзи етарли эмасди. Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш масаласи ҳали қонуний тус олмаганди. Айнан шунинг учун ҳам Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят кенгаши ташкилий, маданий-маърифий ва спорт бўлими мудири Садриддин Аслиддинов бу ерга жамоат ташкилотини шакллантириш мақсадида келди. Хўжалик раҳбари Абдуғаффор Давронов билан бўлиб ўтган мулоқот натижасини берди. Энди раҳбар билан бақамти тура оладиган, меҳнаткашлар манфаати йўлида дадиллик кўрсатиб, фурсати келганида иш берувчига сўзини ўткази оладиган номзод топишгина қолган эди. Тўғри, хўжаликда деҳқончилик илмини сув қилиб ичганлар кўп. Аммо қоғозбозликка уларда тоқат бормикан?

Чарчоқ унга бегона

Касаба уюшмадан келган вакил ҳар бир ишчи билан суҳбатлашди. Улар орасида асли касби ҳисобчи бўлган Умид Ражабов жамоада ўз ўрнига эга, қолаверса, ташкилотчи ва ҳаракатчан бўлиб кўринди. Шу номзод бошланғич ташкилот юқини кўтариши мумкин, деган фикрга келинди. Йиғилишда ҳеч бир эътирозсиз у касабаси уюшма етакчилигига сайланди. Мавсумга қараб 80-85 нафар кишига иш ҳақи тўлайдиган хўжаликда мустақам таянч ўрнатилди. Далада мўъжаз шийпон барпо этилиб, касабаси уюшма ташкилотига алоҳида хона ажратилди. Меҳнат муҳофазаси, болаларни дам олдириш, ходимлар саломатлиги масалаларига умумий даромаддан улуш ажратиладиган бўлди.

Илк уриниш самараси Садриддин Аслиддиновга янада куч-ғайрат бағишлади. Тармоқ кенгаши режаси асосида янгича иш шароитида фаолият юритишга қодир етакчиларни излаб топишга киришди. Айни дамда тармоқ касабаси уюшмаси зиммасида ўта масъулиятли вазифа турарди. Негаки, ер мулкдорлар кўлига ўтиб, иш берувчилар мақоми тубдан ўзгарган. Вазият ана шундай шароитда меҳнаткашлар манфаати ҳимоясига хизмат қила оладиган ташкилотга эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Тармоқ кенгаши раҳбари ва бўлимлар бор кучни мазмун-моҳиятан янгича фаолият олиб бора оладиган бошланғич ташкилотларни шакллантиришга сафарбар этди.

— 566 та бошланғич касабаси уюшма ташкилоти етакчилари имкониятини ўргандик. Жамоа орасида етарлича мавқега, обрў-эътиборга эга кишиларни танлаб олдик, — дейди С.Аслиддинов. — Касаба уюшма сардорлиги ўта масъулиятли вазифа. Шу боис ҳамма ҳам бундай серғалва ишни зиммасига олавермайди. Фақат фидойи кишиларгина бунга жазм этади.

Айни чоғда қарийб 212 минг нафар аъзо-ни бирлаштирган тармоқ касабаси уюшмасида иш етарли. Ижро интизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, жамоа шартномалари ижроси юзасидан назорат, хуллас, ҳаммасига вақт топиш керак. Агар соҳа шитоб билан ривожланыпти. Фермер хўжаликларининг аксарияти оёққа туриб олди. Аммо ишчиларга етарлича ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳали муаммолар бор. Меҳнат қилаётганлар ҳуқуқи, иш ҳақлари хусусида кўпроқ қайғуришга тўғри келади. Садриддин Аслиддинов бошчилик қилаётган бўлимда бир лаҳза тиним йўқ. Ташкилотларга тавсия бериш, топшириқларни етказиш, семинарлар ташкил этиш, кадрлар захирасига ҳужжат тўплаш, хуллас, режалаштирилган ишларни бажаришга вақт етмайди. Шунга қарамай, соҳада катта тажриба тўплаган Садриддин ака барчасининг уддасидан чиқади.

Меҳнаткашлар дам олишини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт оммавийлигига эришилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Саломатлик» спартакиадасида тармоқ ходимлари муносиб иштирок этишди. Муросасиз беллашувларда фахрли ўрин эгалланди.

Бу фидойи ташкилотчи Садриддин Аслиддинов фаолиятдан бир шингил, холос. Ишлаб толмаслигига рафиқаси Мавлудахоннинг ҳам беҳисоб ҳиссаси бор, албатта. Янгамулло ҳеч маҳал неса ишдан кеч қайтмагиз, деган гапни тилга олмаган. Оиладаги тотувлик унга куч бағишлайди. Тўрт нафар фарзандни ўқитиб, уйли-жойли қилишди. Беш нафар набирага бобо бўлган Садриддин Аслиддинов ҳамон сафда. Йигитлардек тиним билмайди.

Собиржон ЖАББОРОВ,
Самарқанд вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

— Шукуржон, саломат-мисиз, нечук кайфиятингиз йўқроқ?

— Шундай, ўзим, — Холжон опа салом-алиқдан кейин бирданига соғлиги ҳақида сўраб қолишини кутмаган эди. Касални яширсанг иситмаси ошқор қилади, деганларидай, нахотки, рангим шунча сўлғин бўлса, ўйлади Шукуржон.

— Сизни кўриб миямга бир фикр келди: санаторийга йўлланма берсак, бироз ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни ҳам тиклаб қайтардингиз, — касабакўм етакчисининг кутилмаган бу таклифи уни ҳайрон қолдирди.

— Яхши бўларди-ю, аммо рўзғор...

— Аммоси йўқ, рўзғор учун ҳам аёл соғлом бўлиши керак. Эртага олдимга келинг, ҳужжатларни тайёрлаб кўяман.

Шукуржон қувонганидан «рахмат» дейишнинг унутди. Санаторийга қанча илтимосу совға-саломлар билан йўлланма олиш мумкин, деганлар оғзига кучи етмаганларнинг кутқуси эканлигига яна бир қарра ишонди. «Шунча ишладингиз энди бироз дам олинг, соғлигингизга қаранг!»... Бундан ҳам

ортиқ ғамхўрлик бўладими?

Ҳа, Хонқа пахта тозалаш заводи касабаси уюшма кўмитаси раиси Холжон Ёкубова ишчиларга ўз вақтида ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақида қайғуради. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш баробарида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ғамхўрлик

ба уюшмаси ёрдамида ишчи-хизматчиларнинг 60 нафари Султон Ваис тоғига саёҳатга борди, 13 нафар ишчи «Хонқа» санаторийсида соғлигини мустаҳкамлади, 2 нафари Намангандаги нуфузли санаторийда даволаниб қайтди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида маъмурий ташкил билан ҳамкорликда кам

Саховат

қилади. Жамоа шартномаларининг ҳар бир банди бажарилишини назорат қилади. Муаммолар ўз ўрнида кечиктирилмай ҳал этилади. Маънавий-маърифий тадбирларни кўнгилдагидай ўтказиш, байрам, туғилган кун, тўймаъракаларда завод ишчиларига моддий ёрдам уюштиришнинг ташаббускори, ташкилотчиси ҳам шу аёл. Кўпчилик унинг ана шу хислатини эътиборга олиб «саховат соҳибаси» деб атайди. Бу сўзларнинг тўғрилигига завод касабаси уюшмаси фаолиятига бир назар ташлаган киши дарҳол ишонч ҳосил қилади.

Масалан, ўтган йили каса-

таъминланган ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам уюштирилди. Айниқса, хотин-қизларга ғамхўрлик кучайтирилмоқда. Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан 108 нафар аёлга байрам совғаси улашилиб, маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Заводда ишчи-хизматчилар учун бепул ошхона, сартарошхона, этикдўзлик устахонаси, тиббий ёрдам пункти ишлаб турибди. Уларнинг ишчи-хизматчиларга намунали хизмат кўрсатишига Холжон Ёкубова доимо бош-қош.

У меҳнат фаолиятини 1976 йилда пахта заводи қошидаги «Кўёшжон» болалар боғчасида тарбиячи сифатида



Наъфинг агар халққа бешакдурур,
Билки бу наф ўзунга кўпракдурур.

Алишер НАВОИЙ

Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи муслмон оламининг муқаддас қадамжоларидан саналади. Собиқ шўролар даврида харобага айланган ушбу маскан истиқлол даврида таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Яхшигул Нуруллаева ҳар куни эрталаб ушбу муборак қадамжо олди-дан ўтган кенг ва равон йўлдан севимли иш жойи — Когон туманидаги 1-умумий ўрта таълими мактаби томон йўл оларкан, кўнглида улуг ва эзгу ниятлар туяди.

У ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан пухта билим бериш билан бирга мактабнинг бошланғич касабаси уюшма кўмитасига раислик қилади. 27 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган муаллима ўзи таълим-тарбия бераётган ёшларни, ҳамкасб ва шогирдларини юрт ободлигига, халқ манфаатига кўпроқ ҳисса қўшишга даъват этади. Бу борада улуг кишилар, шоир ва ёзувчилар ҳаёти ҳамда фаолиятидан аниқ далиллар келтиришга одатланган.

Ҳар ишда ташаббускор, одамлар қалбига йўл топа оладиган Яхшигул Нуруллаевани мактаб жамоаси бундан 7 йил илгари бошланғич касабаси уюшма кўмитасига раис этиб сайлаган эди. Жамоа унга ишонч билдириб адашмаган экан. Айни пайтда 674 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган мазкур илм масканининг кейинги

Ташаббуслар ижодкори

йилларда мавқеи, обрў-эътибори янада ошди. Туман ва вилоят мактаблари ўртасидаги рейтингларда юқори ўринларга чиқиб олди.

— Муваффақиятларимизда бошланғич касабаси уюшма

кўмитаси раиси Яхшигул Нуруллаева ва унинг атрофига жипслашган фаолларнинг хизмати ниҳоятда катта бўлмоқда, — дейди мактаб директори Ҳамза Собиров. — Жамоа шартномамизда қайд этилган талабларнинг ҳар томонлама бажарилишига эришяпмиз. Ҳамкорлик ва ҳамжихатликнинг ижобий самаралари тобора кўпаймоқда.

Мактаб илғор педагогик технологияларни жорий этишда туманда таянч маскан саналади. Шу боис бу ерда соҳа янгиликларини амалда қўллаш борасида туман ва вилоят миқёсидаги ўқув семинарлари тез-тез ўтказиб турилади. Долзарб мавзулардаги масалалар ечими ўқитувчиларнинг янада илҳомли бўлиши, ўқувчиларнинг эса фан сирларини мукамал ўзлаштиришини таъминламоқда.

Пировардида устозлар «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловларида, ўқувчи ёшлар эса «Билимлар синови» беллашувларида муваффақиятга эришмоқдалар. Жумладан, информатика фани ўқитувчиси Санобар Эргашева «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиби, жамоатчи ва аълочи ўқувчи Рухсора Жўраева вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси таъсис этган «Ҳавас» стипендиясига, ёш ижодкор, адабиёт ихлосманди Ситора Сирожова таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгашининг стипендиясига сазовор

бўлган.

Бошланғич ташкилот етакчиси ва фаоллари аъзолар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида ёшларнинг илм сирларининг пухта эгаллашида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Мактабда касабаси уюшма кўмитаси учун 2 та шинам хона ажратилган. Жумладан, педагог ва ишчи-ходимлар учун ташкил этилган дам олиш хонасининг кўркамлиги, саранжом-саришталиги ва жиҳозланиши ҳар қандай юксак дидли кишини бефарқ қолдирмайди.

Хонадан соҳага доир меъёрий ҳужжатлар, фотостенд ва диаграммалар, турли адабиёт ва йўриқномалар, касабаси уюшма фаолиятига доир альбомлар, газета-журналлар, телевизор, шахмат-шашка, замонавий мебел жой олган. Бу ерда дам олишдан ташқари кўмита аъзолари тез-тез тўпланиб, амалга оширилган ишларни таҳлил қиладилар. Галдаги вазифаларни белгилайдилар. Уларнинг тажрибасини ўрганиш учун туман ва вилоят мактабларидан, ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам соҳа вакиллари келишади. Шу боисдан мактаб касабаси уюшмаси «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида ғолибликка эришди.

Ташаббуслар ижодкори Яхшигул Нуруллаева ва кўмитада ташкил этилган 5 нафар доимий комиссия аъзолари изланишдан чарчашмайди. Улар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда саломатлиги, оиласининг аҳволи, фарзандлари келажаги ҳақида қайғуришади. Аъзолардан бири янги уй қуради, тўй қилади, бошқасининг рўзғорида муаммоси ёки ташвиши борми, барига ҳамкорлик, ҳамжихатлик билан ёндашилади.

Кейинги пайтда касабаси уюшма кўмитаси иш режасига ходимлар томорқасидан фойдаланишнинг аҳволини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш, илғорлар тажрибасини тарғиб қилиш масаласи ҳам

киритилди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, томорқадан самарали фойдаланиш турмуш фаровонлигини таъминлашнинг асосий омилларидан. Чунончи, бошланғич синф ўқитувчиси Зебинисо Фафурова хонадонидан каттагина иссиқхона бор. Оила аъзолари ерга меҳр қўйиб, мўл-кўл сабзавот экинлари етиштириш билан ҳам рўзғорини таъминлайди, ҳам ортиқчасини бозорга чиқариб қўшимча даромад топади. Математика ва география фанлари ўқитувчилари Санобар Эргашева ҳамда Муаззам Шахриева эса томорқаларида етиштирилган картошка билан оилаларининг йиллик эҳтиёжини таъминладилар. Шунингдек, меҳнат фани ўқитувчиси Руқия Темирова дарсдан бўш пайтда бежирим кийим-кечаклар тикса, расмчи-мастачилик фани ўқитувчилари Бахтиёр Исломов ва Нодира Солиева ҳамқишлоқлари хонадонларини безаш ва таъмирлашда кўмак бермоқдалар. Табиийки, улар ёшларга хунар ўргатиб, жамиятга катта наф келтирмоқдалар. Касабаси уюшма раиси Я.Нуруллаева ана шундай ҳамкасблар интилишини қўллаб-қувватлаб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишдан чарчамайди.

Яхшигул Нуруллаева ҳам томонлама бахтли инсон. Чунки у ибратли оила бекаси. Турмуш ўртоғи Шариф Баротов — Бухоро давлат университети профессори, психология фанлари доктори. Қизи Дилафрўз илмий тадқиқотчи, аспирант бўлса, ўғиллари Шўхрат божхона хизмати ходими, Ҳумоюн университети талабаси.

Камтарин, меҳнатсевар ўзбек аёлининг жамиятга наф келтираётгани, халқ хизматида, эл ардоғида эканлиги бахт ҳақида бизга тўла тўшунча беради.

Райҳон НОСИРОВА,
Таълим, фан ва маданият
ходимлари касабаси уюшмаси
Бухоро вилоят кенгаши раиси
ўринбосари, ташкилий ишлар
бўлими мудири

бошлади. Меҳнатсевар, тиришқоқ, ўзгаларга ёрдамга шайлиги туфайли жамоада обрў қозонди.

1978 йилда уни завод касабаси уюшмаси кўмитаси раиси қилиб сайлашди. Бу орада институтда сиртдан ўқиди, беш йил «Кўёшжон» болалар боғчасининг мудираси бўлди. 2003 йилдан иш-

дан чарчаб келганда набираларини ёнига олиб ҳордиқ чиқаришни яхши кўради. Уйдаги эътибор ва ғамхўрликдан руҳланиб, эртанги ташвишларга куч-ғайрат тўплайди. Турмуш ўртоғи Бахтиёр Йўлдошев — мактаб директори. Оиладаги ўзаро муҳаббат, аҳиллик уларга куч бағишлайди. Шундай соғлом оилавий

етарди, бузоғини боқиб семиртсак, оиламизга мадад бўларди», деб орзу қиларди Сафаргул Мадаминова.

Сафаргул «Ҳазорасп пахта тозалаш» очик акциядорлик жамиятида кўп йиллар меҳнат қилган. Аммо жўжабирдай жон, топгани еб-ичиш, кийим-кечакдан ортмайди. Шу боис уйига пахта тоза-

ушмаларининг жонажон ишига айланиб бормоқда. Бироқ меҳр-мурувват кўрсатишни изчил амалга ошириш, меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоясини давр талаби даражасида ташкил этиш кўп ҳолларда касабаси уюшма етакчисининг фаоллиги, ташаббускорлигига боғлиқ. Дилором Раҳмонова ана шундай элсевар, ишчи-хизматчиларга ғамхўр, элим-юртим деб ўшайдиган етакчилардан. Бундай фазилат унга отаси Абдулла Раҳмоновдан юққан. У киши туман болалар шифонасининг бош шифокори бўлиб ишлаган. Онаси Шўкуржон Қурбонова ҳамшира бўлган. Ота-онани яхши тарбия олган Дилором одамларга ёрдам бериш, мурувват кўрсатиш фазилатларини ёшлигидан эгаллади. Тошкент тўқимачилик энгил саноат институтида ўқиди. Йўлланма билан бир йил Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли шаҳридаги пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлади. 1984 йилдан бошлаб Ҳазорасп пахта тозалаш заводида иш бошлади. Айни вақтда «Ҳазорасп пахта тозалаш» очик акциядорлик жамиятининг кадрлар бўлими бошлиғи ҳамда касабаси уюшма кўмитаси раиси бўлиб фа-

олият кўрсатмоқда. Дилором ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини давр талаби асосида ташкил этишда катта тажриба ортирди. Ишчиларнинг таянчи ва мададкори сифатида обрў-эътибор топди. Айниқса, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларга моддий ёрдам уюштириш, улар ҳолидан хабар олишни ҳеч қачон қанда қилмайди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрий ишчиларга алоҳида эътибор кўрсатилади. Ана шундай қариялардан Машариф Шерниёзов, Қўчқор Каримов, Марк Каримов, Эркин Тўраев қабила касабаси кўмидан миннатдор.

Д.Раҳмонова оилада ҳам оқила бека. Икки фарзандини меҳнатсевар, эл ишига масъулиятли, билимдон қилиб тарбиялаб, элга қўшди.

Касабаси уюшмаси етакчиси бўлган бу икки аёлнинг фаолияти мисолида нуфузли ташкилотнинг халқ ичига кенг қулоқ ёзиб кириб бораётганига ва меҳнатқаш эл манфаатларига хизмат қилаётганига яна бир қарра амин бўлдим.

Шарқия ЭШЖОНОВА,
Хоразм вилояти

СОҶИБАСИ

чиларнинг таклифи билан уни касабаси уюшмаси раислигига қайта сайлашди. Шундан бери Хонқа пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшмаси етакчиси сифатида ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда.

Кўпчилик ташвиши билан яшаш, муаммоларини ўз ўрнида ҳал этиш осон эмас, алатта. Аммо касабаси уюшмаси етакчиси одамларга яхшилик қилиб, бундан кўпроқ ўзи ҳаловат топади. Кимнингдир мушқулни осон қилса, кимгадир кўмаклашса куним бекор кетмади, деб қувонади. Элга наф келтиришни олий саодат, деб билади. Завод-

муҳитда 4 фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди.

— Ташвишларим кўпчиликка наф келтираётгани билан хайрлидир, — дейди касабаси уюшмаси етакчиси Х. Ёқубова. — Халқимиз моддий фаровонлигини ошириш учун меҳнат қилаётган завод ишчи-хизматчиларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш зиммамга катта масъулият юклайди.

Эзгу ишлар ташкилотчиси Холжон опадаи касабаси уюшмаси етакчилари бор экан, нуфузли ташкилот обрўи кундан-кунга ошиб бораверади.

ОТАДАН ЎТГАН ФАЗИЛАТ
«Қанийди биттагина соғин сизим бўлса, оғзимиз оққа

лаш очик акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси раиси Дилором Раҳмонова бошчилигида жамоадорлари сизим етаклаб келишганда, боши осмонга етди.

— Раҳмат, Дилоромхон, ҳаммиса савоб ишлар бошида турасиз, барака топинг. Хайронман, бу яхшилигингизни қандай қайтараман энди!

— Буни менинг яхшилигим эмас, истиқлол тўқфаси деб қабул қилинг. Корхонамизда кўп йиллар ҳалол меҳнат қилганингизни жамият раҳбарияти ҳеч қачон унутмайди.

Дарҳақиқат, фидокорона меҳнат қилганлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланганларга ёрдам бериш касабаси

Бизга мурожаат қилишмоқда

Кейинги пайтда қасаба уюшмаси ва унинг вазифалари ҳақида мавҳум тушунчага эга бўлганлар сафи тобора камайиб, тизимни ўзига таянч деб билаётганлар салмоғи кўпаймоқда. Буни Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашига қилинаётган мурожаатлар сони ортиб, хайрли ишлар кўлами кенгайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Федерация кенгашига 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида юзлаб оғзаки ва 296 та ёзма мурожаат тушган. Аризаларда асосан ишдан бўшаш ёки бошқа ишга ўтиш, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар, иш берувчилар билан юз берган келишмовчиликлар, баъзида раҳбарлар тазйиқи, иш ҳақи, муқофотлаш, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузиш, етказилган зарар ўрнини қоплаш, даволаниш ва дам олиш масканларига йўлланмалар ажратиш, моддий ёрдам сингари масалалар акс этган.

Хайрли ишлар салмоғи

Мисолларга тўхталсак, жорий йил бошида Самарқанд вилояти, Пайариқ туманида яшовчи А.Ҳасанов томонидан қилинган мурожаат куйидаги мазмунда: «Мен 2003 йили Пайариқ туман санитария-эпидемиология идорасига дезинфектор бўлиб ишга кирдим. Иш фаолиятимда бирон марта маъмурий жазога тортилган эмасман... 2010 йилнинг сентябр ойи охирида асоссиз ишдан бўшатилдим... Мана, орадан неча ой ўтса ҳамки, менинг дардимни ҳеч ким эшитмапти...» Ушбу ҳолат Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши бош ҳуқуқшуноси томонидан тўла ўрганилиб, Пайариқ туман ДСЭНМ бош шифокори расмий талабнома берилган. Мазкур талабнома асосида ўз лавозимига қайта тикланган А.Ҳасанов Марказий кенгаш раиси номига миннатдорлик хати йўллаган.

Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 41-уйда яшовчи Р.Альмеевдан келган хатда ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунбузилиш ҳолати борлиги таъкидланади. Ўрганилганда Бухоро давлат бадий-меморчилик музей-қўриқонаси собиқ директори Р.Альмеевга нисбатан интизомий чоралар қўлланиши ҳамда у билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши вақтида МКнинг 102, 107, 108, 151, 182-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилгани аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига тақдимнома киритилган.

Шунингдек, пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 148-умумтаълим мактаби ўқитувчиси М.Мадибрагимовани номидан келиб тушган шикоятда асоссиз равишда ишдан бўшатилгани айтилган. Масала масъул ходимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Мактаб директорининг М.Мадибрагимовани ўз лавозимига қайта тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлаш ҳақидаги 2011 йил 4 феврал кунги 80-сонли буйруғи асосида ариза муаллифи ўз ишига қайта тикланган. Шайхонтоҳур туманида яшовчи М.Набиҳонова эса жорий йилнинг 16 март кунги йўллаган хатида уч ёшга тўлгунга қадар бола парвариши учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилмаган таътил пайтида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври учун тўланадиган нафақани ололмаётганини билдиради. Текширув натижасига кўра Тошкент вилояти ихтисослаштирилган Соматика шифохонаси томонидан ариза муаллифининг талаби тўла қондирилиб, бундай хатога йўл қўйгани учун ходимлар бўлими бошлиғи М.Асқаровага ҳайфсан эълон қилинган.

Қашқадарё вилояти Косон туманидан йўлланган яна бир мактуб О.Воҳидовдан. Қасаба уюшмалари аралашуви билан Косон шаҳридаги «Куриққурилиш» МЧЖ маъмурияти билан О.Воҳидов ўртасида унга тегишли бўлган иш ҳақи ва компенсация тўловларини тўлаб бериш муддатлари бўйи-

ча ўзаро келишилди.

Жиззах вилояти, Арнасой туманида яшовчи фуқаро Ш.Саитов 1998 йилда касб касаллигига чалинган туйфали соғлиғига етказилган зарар учун ҳеч қандай тўловларни ололмаётганлиги ҳақида мурожаат қилган. Ўрганиш мобайнида Ш.Саитовнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўловлари ҳисоблаб чиқилиб, вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳисоб-китоблар келтирилган 01-07/229-сонли хати Арнасой туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда хат муаллифига йўлланган. 2011 йилнинг 4 июлида Федерация кенгашига Ш.Саитовдан миннатдорлик хати келган. Андижон шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби ўқитувчиси М.Матҳолиқов, Юнусобод туманидан А.Асқарованинг санаторийга йўлланма сўраб қилган мурожаатлари ҳам қаноатлантирилган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қайд этилганлар билан бир қаторда иш берувчилар томонидан ҳомиладор ва 3 ёшгача боласи бор аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари юзасидан келган мурожаатлар ҳам ўз ечимини топмоқда.

2011 йилнинг октябр ойида фуқаролардан келиб тушган ёзма мурожаатлар сони 34 тани ташкил этиб, уларда акс этган муаммолар ҳам ҳал этилмоқда. Мисол учун, 7 октябрда Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси 4-насос станцияси бошлиғи вазифасида ишлаган Қ.Нурдавлатов томонидан келиб тушган шикоят-аризада иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинган учун ишга тиклашда амалий ёрдам бериш сўралган. Ариза Қашқадарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари томонидан жойида атрофлича ўрганилиб, Қ.Нурдавлатов ишга тикланди. 12 октябрдаги яна бир аризада битилишича, фуқаро Т.Эюповнинг турмуш ўртоғи Р.Эюпов 2008 йилнинг 13 февралдан «Назарбекавтойўл» корхонасига қарашли «Бекобдавтодортранспорт» цехида ҳайдовчи вазифасида ишлаб, 2010 йилнинг 14 февралда вафот этган. Қасаба уюшма аралашуви билан Р.Эюповнинг оиласига тўланмай қолган моддий ёрдам жорий йилнинг шу ойидан қолдирилмай тўланадиган бўлди.

Федерация кенгашига йўналтирилган, лекин мазмунан қасаба уюшмалари ваколатига кирмайдиган масалалар акс эттирилган мурожаатлар, муаллифлари бундан хабардор қилинган ҳолда тегишли идораларга юборилган. Қонун бузилиши аниқланмаган бошқа ҳолларда мурожаат қилувчиларга зарур тушунтиришлар берилмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳал этилган мурожаатлар юзасидан талай миннатдорлик хатлари ҳам келган. Улар газеталаримизда чоп этиб борилмоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Фуқаролар манфаати — асосий мақсадимиз



Ҳ. АЙДАШЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Бу йил иш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ҳ. Айдашев. — Вилоятнинг ҳар бир туманидаги ҳакамлик судлари фаолиятини яқиндан ўрганиш, уларнинг ҳокимият, турли хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада ошириш, юзага келаётган муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Бу борада Ангрен шаҳар ҳокимлиги билан ўрнатилган яқин ҳамкорликни алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Шаҳарда ҳакамлик суди шу йилнинг апрелида очилган бўлсада, ўтган қисқа вақтда 60 дан ортиқ ишлар кўриб чиқилди. Тошкент вилоят ҳакамлик судига фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорлар томонидан 1200 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 70 фоизи ҳал этилди. Қолганларини кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда.

— Ҳакамлик судлари ва унинг бошқа судлардан фарқи, қолаверса,

қулайлик жиҳатлари нималардан иборат? Фуқаролар ўртасида бу муқобил тизимга қизиқиш ва ишонч қай даражада?

— Ҳакамлик тизимидаги мурожаатларнинг асосий қисми шартномавий муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли. Судлашувнинг бу тизимида аксарият ишлар суд жараёнида ҳал бўлиб, томонлар ўртасида келишув битими тузилишига эришилади. Йилнинг ўтган даврида вилоятда 32 та шундай ҳолат кузатилган. Бунда жавобгарга судья мавжуд қонунчиликдан келиб чиқиб тушунча бергач, тўғри хулоса чиқарган икки томон ўзаро келишиб, муаммо жойида ечим топади.

Ҳакамлик суди тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай, муқобил суд тизими эканлигини ҳуқуқий идоралар ҳам эътироф этаётир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент вилоят бошқармаси 30 та фермернинг шартномавий низоли ишларини кўриб чиқиш таклифи билан чиқди. Айтиш мумкинки, бу ҳакамлик судларига эътибор ва ишонч-

Бугунги кунда Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси мамлакатимизда фаолият юритаётган нисбатан янги демократик институт ҳисобланса-да, олиб борилаётган ишлар салмоғи кенг. Тошкент вилоят ҳакамлик суди раиси

нинг тобора ортиб бораётганидан далолат.

2006 йил 16 октябрда мамлакатимизда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда ҳакамлик судларининг ваколатлари, асосий мақсад ва вазифалари белгиланган. Тошкент вилоят ҳакамлик суди 2009 йилнинг 24 декабридан иш бошлаган. Бугунги кунда вилоятнинг деярли барча туман ва шаҳарларида ҳакамлик судлари фаолият юритиб келмоқда.

Уларда катта тажрибага эга бўлган судьялар, юқори савиядаги ҳуқуқшунос-мутахассислар жамланган. Шартномавий низоли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келаётган муаммолар самарали ҳал этилмоқда.

Ҳакамлик судлари фуқароларнинг судма-суд овора бўлиб юришига чек қўйиб, носоз содир бўлган жойга қулай ва яқин манзилда ўтказилади. Фуқароларнинг маблағи ва қимматли вақти тежалди.

Ў. ПАРДАЕВ
суҳбатлашди

Эҳтиёт бўлинг!

Тилсиз ёв

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, қай тарзда юзага келишига қарамай ўзидан мудҳиш излар қолдириши барчага маълум. Тилсиз ёв сабаблари йилига қанчадан-қанча кишилар бошланасиз қолишади, саломатлигидан айрилади, яқинларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биналарида содир бўлган ёнғинлар ҳам кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятини муайян муддатга издан чиқариб, иқтисодийга жиддий путур етказиши.

Мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда мана шундай ноҳус ҳолларнинг олдини олиш учун Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси фаол ҳаракат қилиб келаётир.

Аслини олганда, жиноятчиликка қарши курашиш кенг жамоатчиликнинг иши бўлганидек, ёнғинга қарши кураш олиб бориш ҳам нафақат соҳа ходимларининг, балки шу юртнинг фарзанди бўлган барча фуқароларнинг зиммасидаги бурчдир.

Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда, ҳудудимиздаги ташкилотлар билан ҳамкорликда

иш олиб бораёلمиз. Жумладан, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, газ ва электр тармоқларини ўзбошимчилик билан улаб олиш, носоз иситиш ускуналаридан фойдаланиш каби ҳолатларни аниқлаш учун маҳалла фаоллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўряёلمиз.

Шунингдек, маҳалла ва кўчаларда ноқонуний ўрнатилган тўсиқларни олиб ташлаш борасида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, бу кабиларнинг ёнғин ўчириш автомобильлари ёхуд бошқа фавкулдада вазиятларда тегишли ҳолатларнинг кириб келишига ҳалақит берувчи ҳолатлари бартараф этилмоқда.

Ноҳус ходимларнинг оқибати билан курашгандан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир. Шу боис ҳам ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатлар кўп учрайдиган куз-киш мавсумида барча ҳам-шаҳарларимизни эҳтиёткорликка қақириб қоламиз.

Нўрмон УМАРҲУЖАЕВ,
Тошкент шаҳар 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи, капитан



Инсон орзу-умидларининг рўйбга чиқиши меҳнат туфайли. Меҳнат орқали турмуш фаровон, оила тўқис. Мамлакатимизда ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш, хавфсиз иш ўрнига эга бўлиш имкони яратилган. Меҳнат муҳофазасини ташкил этишда касабга уюшмаларининг ўрни беқиёс.

Меҳнат, муҳофаза, кафолат

Жорий йилнинг 21 июлида Ўзбекистон КУФК раёсатининг «Касаба уюшмалари ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш, юридик хизматлари ҳамда маданий-маърифий ва спорт ишлари тўғрисидаги Низомлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашларидаги меҳнатни муҳофаза қилиш, юридик ҳамда маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлинмаларининг ишини ташкил этиш бўйича тартиб ҳақида»ги қарори қабул қилинган.

— Меҳнат муҳофазасини ташкил этишда янги тартибнинг жорий этилиши хавфсиз иш ўрнига эга бўлиш кафолатини янада оширади, — дейди Самарқанд вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудри Орзубек Козимов. — Эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда жойлардаги меҳнат муҳофазаси комиссиялари фаолияти таъсирчанлигини оширишнинг тўла имконияти яратилди.

Айни чоғда вилоят тармоқ кенгашлари тизимидаги 2509 та касабга уюшма кўмиталари қошида меҳнат муҳофазаси комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Ўн минг нафарга яқин касабга уюшма фаоллари комиссия таркибига киритилган. Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун, ЎЗКУФК Низоми асосида мавжуд 3639 та касабга уюшма ташкилоти ва иш берувчилар томонидан жойларда меҳнат муҳофазаси билан шуғулланувчи вакиллар фаолияти йўлга қўйилган. Иш берувчилар шафелигида уларнинг 1850 нафардан ортиги ўқитилиб, тажрибаси оширилган.

Ўтган фурсатда кўмиталар қошидаги комиссия ҳамда вакиллар томонидан 415 та ишлаб чиқариш жараёни ва иш

ўринлари хавфсизлиги ўрганиб чиқилди. Меҳнат муҳофазасига доир 966 ҳолатда қонун бузилишлар аниқланиб, уларнинг 535 таси касабга уюшма органлари, 431 таси меҳнатни муҳофаза қилиш жамоат назорати аралашуви билан бартараф этилган.

Худуддаги барча корхоналарда касабга уюшма кўмитаси таклифи ва иш берувчи буйруғи асосида меҳнат муҳофазасига дахлдор бўлган муҳандис ёки масъул шахс хизматлари мавжуд. 377 та корхонада меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан уч босқичли маъмурий-жамоат назорати таъминланяпти. Аксарият цех ва участкаларда хавфсизликка оид стенд, бурчак ва паннолар бор. Шунингдек, ишчи-ходимлар, янги ишга қабул қилинганларга меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид йўл-йўриқлар бериб берилмоқда.

Ўтган даврда тармоқ, туман ва шаҳар касабга уюшма кенгашлари раёсат мажлисларида 66 маротаба меҳнат муҳофазасига тегишли масалалар кўриб чиқилган.

Худудда меҳнатга доир барча масалаларда касабга уюшмаларининг фаол иштироки таъминланган бўлиб, айниқса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли ҳолатлар ечимида жамоат ташкилоти вакилларининг фикри инobatга олинмоқда. Жумладан, тиббий меҳнат эксперт комиссияларини кўриқдан ўтказиш мажлисларида вилоят мижёсида 3 нафардан, туманлар ТМЭК мажлисларида 14 нафар жамоатчининг касб касалликларини текширишда иштироки таъминланяпти. Ўтган фурсатда комиссия аъзолари 11 маротаба ана шу синовларда қатнашиб, 47 нафар ишчи-ходимнинг бахтсиз ҳодиса ва касб касаллиги туфайли иш қобилиятини йўқотганлиги қайд этилди.

Сир эмас, аксарият жамоаларда жамоа шартномалари

қабул қилиш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш Битимларини имзолашдан кўз юмилмаётганди. Эндиликда мазкур ҳолатга батамом барҳам берилиб, ҳар иккала меъёрий ҳужжат бир пайтда қабул қилинишига эришилди. Жорий йилнинг ўтган олти ойида жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазасига оид режалаштирилган 8710 та тадбир тўлиқ бажарилди.

Меҳнат муҳофазаси мутахассислари ва вакиллари фаолиятини жонлантириш, уларни иш берувчилар маблағи ҳисобидан ўқитиш юзасидан ҳудудий семинар-ўқувлар ташкил этилапти. 350 нафар масъул шахслар тажрибаси ошишига кўмаклашилди.

Меҳнаткаш манфаати устувор. Бироқ, айрим иш берувчилар турли тасодифлар боис иш қобилиятини йўқотган ходимларини ўз ҳолига ташлаб қўйишлари инсофданми?

«САМАТЭК» масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси Недим Садиев ҳам бахтсиз ҳодиса туфайли 3-гурӯх ногиронига айланиб қолди. Аммо у ишлаган жамоа раҳбарияти уч йил мобайнида ходимга товон пули тўлашдан бўйин товлаб келди. Охири Н.Садиев касабга уюшмаларига ариза билан чиқди. Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туман туманлараро судининг қарорига асосан ногиронга 2 миллион 971 минг 96 сўм 95 тийин товон пули ундириб берилди.

Ўтган даврда касабга уюшмалари меҳнат бўлими саъй-ҳаракати билан ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар жабрдийдалари 9 миллион 579 минг 838 сўм миқдордаги товон пуллари суд орқали ундириб олишди.

Меҳнат муҳофазаси — умр фойдаси. Бунга амал қилган корхона ҳеч маҳал ютқазмайди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам ана шу мақсадни кўзда тутди. Зеро, тадбиркорларга яратилаётган шароитлар халқнинг турмуш даражасини яхшилашга имкон бермоқда.

Тадбиркорлар учун енгилликлар

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ушбу Қарор орқали ходимларнинг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтирилдиган кичик корхоналарнинг фаолият турлари рўйхати кенгайтирилди. Бунда янги ташкил қилинган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фондининг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санадаги энг кам иш ҳақининг 40 бараваридан кам бўлмаслиги керак. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра ҳозирда Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, бундай субъектларни давлат рўйхатидан ўтказишда талаб қилинадиган нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш бекор қилинди. Хорижий инвестицияли, чет эл сармоясини иштирокидаги бошқа корхоналар эса бундан мустасно.

М. ҲОШИМОВ,
Миробод тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Қулайлик

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 майдаги «Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни ахборот билан таъминлашни янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан Давлат солиқ хизмати органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ тўловчиларга ахборот хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, ҳўжалик юридувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишининг жорий этилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг расмий www.soliq.uz сайти орқали солиқ тўловчилар қўйидаги интерактив хизматлардан фойдаланишлари мумкин:

— жисмоний шахслар томонидан тақдим этиладиган қўшимча даромадлар бўйича декларацияларни электрон кўринишда тақдим этиш;

— солиқ қонунчилигидаги янгилик ва ўзгаришларни тезкор олиш;

— солиқ қонунчилигидаги саволларга жавоб олиш.

Бундан ташқари, веб-сайтта қўшимча интерактив хизмат сифатида жисмоний шахслар учун «Ўзнай свой ИНН» менюси очилган бўлиб, солиқ тўловчи жисмоний шахс паспорт серияси ва рақамини ушбу ме-

нюга киритиш орқали автоматик тарзда ДСҚнинг «Ягона реестри»дан ўз фамилияси, исми ва шарифи ҳамда СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами)ни кўриш имконияти яратилган.

Шунингдек, солиқ тўловчи жисмоний шахсларга интерактив хизмат кўрсатиш порталидаги «Шахсий карточка» менюсида шахсий карточкада ҳисобланган, тўланган суммалар, мавжуд солиқ қарзлари ёки ортиқча тўловлари тўғрисидаги маълумотларни олиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бу қулайликлар солиқ тўловчилар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

А. ҲАМДАМОВ,
Олмазор туман ДСИ бошлиғи ўринбосари

Мунчоқ кўзлар нега маънос?

Болалар қалби бамисоли ёзилмаган оқ қоғоз. Унга ҳеч нарса ота-она тарбиясидек кучли таъсир қилолмайди. Табиийли, гўдак илк ибрат ва ҳаётий сабоқларни аввало ота-онасидан олади.

Эҳтимол сиз ҳам гувоҳи бўлгандирсиз. Аҳён-аҳёнда бўлса-да, ишга бораётганда ёхуд қайтаётганда кўчада, йўл четида кийим-боши қаровсиз, жовдир кўз болакайларга дуч келамиз. Хўш, улар кимнинг дилбандлари? Уларнинг бу ҳолга тушишига сабаб бўлган омиллар нима? Бу саволлар вояга етмаганлар тарбиясига оид ишлар кўрилиши жараёнида бир қадар ойдинлашади. Бокира дил соҳиблари бўлмиш фарзандларини дунёга келтириб, уларни меҳрдан айро ташлаб қўйган кимсаларни ким деб аташ мумкин?

Келинг, хулоса қилишдан аввал Самарқанд туманида истиқомат қилувчи она — Дилбар Камолова (исмлари шартли равишда ўзгартирилди)нинг

сўнги пушаймонларини унинг ўзидан эшитинг:

— 2004 йилда турмушга чиқиб, келишолмаганимиз сабабидан ажралишдик. Кейин 2009 йилда қизалоғимни қариндошларникида қолдириб, пул ишлаш учун Россияга жўнаб кетдим. Бир йилдан сўнг қайтиб келиб, фарғоналик бир йигитга турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим Россияга ишлаш учун кетгач, мен ҳам иқтисодимизни тезроқ ўнглаб олиш мақсадида унинг изидан йўлга ҳозирландим. 2007 йилда туғилган қизчам ва йўрғадаги боламини энагалик қилишни ўз бўйнига олган Нафиса деган аёлга қолдириб, олис юртга жўнадим. Орадан атиги икки ой ўтганди. Нафисага кўнғироқ қилсам, телефонни ҳеч кўтармади. Кейин ичим қизиб, бошқа қариндошлар орқали ҳолатни ойдинлаштиришга интилдим. Улар менга болаларимнинг кўп зуғум кўраётгани, қизчам энаганинг дўппослашидан тан жароҳати олгани, беҳуш бўлиб ши-

фоҳонада ётганини айтишди. Ўшандаёқ хато қилганимни тушуниб етдим ва она юртимиз сари отландим. Республика шоялини тиббий ёрдам марказининг жонлантириш бўлимида қизим аянчли аҳволда ётган экан. Юзлари қонгаш, бадани таёқ зарбидан моматалоқ бўлиб кетибди. Қўлларида шафқатсизларча қуйдирилган термик яраларни кўриб эсим оғаёзди.

Орадан биров вақт ўтгач, қизим кўзини очиб, секин-аста ўзига кела бошлади. Аммо, унинг мендан қаттиқ ўксигани кўриниб турарди. Буни унинг мендан нигоҳини олиб қочаётганидан сездим. Ҳаммасига чидасам ҳам бундай ётсирашни асло кўтара олмасдим.


Назаримда дилбандларимни «ҳали ёш, ўзлари йиқилиб-сурилиб катта бўлишаверади» деб жуда хато ўйлаган эканман.

Дилбар Камоловага ўхшаган бойлик, давру даврон, ҳузур-ҳаловат истаб, ҳаёт синовларига дош беролмай,

қоқилган ёш ота-оналар, афсуски, орамизда учраб турибди. Падару волидалари меҳрига, дийдорига тўймай, турли шароитларда улғаяётган ёшлар тақдири бора-бора нима билан тугаркан? Судланувчи, қаҳри қаттиқ энага Нафиса-ку, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор топилди, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Аммо, бундай ҳолатлар энди такрорланмайди, деб ким кафолат бера олади?

Сўзимиз бошида болаларимиз покиза кўнглини оппоқ қоғозга ўхшатган эдик. Ана шу тоза бўшлиқни меҳр-муҳаббат, эркалаб-суйишлар, ҳаётий соф сабоқларимиз билан бойитайлик. Токи, улар нигоҳида, мунчоқ кўзларига ҳеч вақт мунг, тушкунлик соя ташламасин.

Норсулув СОЙИПОВА,
Самарқанд шаҳар прокурори ўринбосари



Дарҳақиқат, ижод ҳаётий мулоқотларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Шу маънода матбуот нашрларининг қизиқарли чиқишига эришиш ва уларда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда ўқувчилар билан доимий алоқани йўлга қўйиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларидан кенг фойдаланиш яхши самара беради. Буни газетамиз саҳифаларида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу ижодий ютуқда муштарийларнинг сеvimли нашрига нисбатан садоқати, унда бериб борилаётган материалларга фаол муносабат билдириши, шубҳасиз, катта ўрин тутмоқда.

Газетхонларнинг атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга уйғоқ муносабати, бадиий, публицистик ва илмий ижод намуналари нашримиз учун қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этган ҳолда, ўқувчи ва муаллифларимиз билан ижодий алоқамиз бундан-да юксалишига ишонч билдириб қоламиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими мухаррири

Газета

Мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилган корхоналарда меҳнат қонунчилигининг амал қилиш доираси қандай?

Мамлакат СОБИРОВА,
Олтиариқ тумани

Меҳнат кодексининг 12-моддасига асосан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Тажриба сўз айтади

ХУДБИНЛИК — қалб касаллиги

«Тақдир тақозоси билан тўрт нафар фарзандни ёлғиз катта қилдим. Бировдан кам бўлмасин, дея қийналиб бўлса-да яхши қийинтиришга, истагини бажаришга ҳаракат қилдим. Аммо уларга кўп вақт ажратилган, бафуржа ўтириб суҳбатлашишга доим ҳам имкон тополмасдим. Муҳими, моддий ёрдам деб ўйлардим. Натижада, улар ниҳоятда худбин, ўзини ўйлайдиган бўлиб ўсишди. Ҳозир бундан жуда афсусланаман». 50 ёшлардаги аёлдан бу сўзларни эшитиб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Бир китобда «Худбинлик - юракнинг бедаво касаллиги ва у болаликдан маълум бўлади», деб ўқигандим. Бирок у боланинг бегубор оламига қачон кириб келади-ю илдиз отишга улгуради? У ўзи қандай иллат? Бу саволларга Халқ таълими вазирлигига қарашли 499-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Сурайё Исаева шундай жавоб берди:

— 20 йиллик тажрибамга таяниб айтишим мумкинки, кўпгина иллатлар каби худбинлик ҳам оиладаги муҳит, ота-онанинг нотўғри тарбияси сабабли пайдо бўлади. Янги гуруҳга болаларни қабул қилар эканмиз, уларнинг олдида турли хил ўйинчоқлар қўямиз. Баъзилари талашиб-тортишиб,



айримлари ёнидагилар билан бирга ўйнайди. Кимдир фақат меники, дейди. Унга ўйинчоқлар бутун гуруҳники, деганингиз билан тушунмайди. Шунда сезаманки, бу болада худбинлик бор. Вақтида эътибор қаратилса, буни бартараф этиш мумкин. Болаларга нарсаларини бошқалар билан бўлишиш, фақат ўзини ўйлаш кераклигини уқтираемиз. Боғчага битта олма олиб келсам, ўртоқлари билан баҳам кўришга ундаймиз. Масалан, Асфандиёр, Азизга ҳам олмангдан озгина бер, деймиз. У хохламайди. Шунда бугун сен берсанг, эртага у ҳам бирор нарсаси билан бўлишади, деб тушунтираемиз. Ўйин, машғулотлар пайтида қаламингни дўстингга бериб тур ёки чизган расмингни унга ҳам ўргат, деймиз. У аста-секин тушунади ва шунга ўрганади.

Ҳақиқатан, бола тарбияси нозик. Бунда сусткашлик қилиш мумкин эмас.

— Мактаб ёшидаги болаларга сингиб қолган тушунчалар, феъл-атворидаги нуқсонларни йўқотиш мушкул, — дейди Юнусобод туманида жойлашган 271-мактаб психологи Лола Норматова. — Бу борада ҳар хил тренинглари олиб борамиз, болалар билан суҳбатлашамиз. Лекин биргина психолог ёки ўқитувчи қутилган натижага эриша олмайди. Оила, мактаб, маҳалла биргаликда ҳаракат қилиши керак.

Айрим ота-оналар: «Мен кўрган қийинчиликларни болам кўрмасин», дея унга барча нарсани муҳайё қилишади. Инжиқлигини кўтариб, ҳамма хоҳиш-истагини бажаришга ҳаракат қилишади. Лекин фарзанд буни доим ҳам тўғри қабул қиладими?

— Бундай йўл тутиш нотўғри? — дейди психолог Лола Норматова. — Фарзандни ҳаётнинг паст-баландига тайёрлаш, сабр-бардош ва қаноатга ўргатиш лозим. Зеро, ортиқча меҳр, ҳаддан ортиқ эркалаш ва талтайтириш боланинг худбин бўлиб шаклланишига олиб келади. Худбин инсон эса жамиятга ва атрофдагиларни ўзидан безитади. Чунки у ўзини доим ҳақ деб ўйлаб, ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўяди.

Донолардан бири: «Худбин бу иллат нафақат ўзида борлигидан, балки бошқаларда йўқлигидан ҳам роҳатланади», деган экан. Фарзандларга илм, тўғри тарбия бериш, ҳунар ва меҳнат қилишга ўргатиш, қаноатли қилиб ўстириш қалбни худбинликдан узоқ тутиш гаровидир.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Қишлоқдан мактуб

Чирокчи туманидаги Бўронжўз қишлоғида ёшу қари футболни жуда севади. Яқинда қўшни қишлоқ жамоалари иштирокида анъанавий турнир ўтказдик.

«Олачопон-1», «Олачопон-2», «Жабборобод-1» ва «Жабборобод-2», «Галабек», «Бўронжўз-1» ҳамда «Бўронжўз-2» жамоалари ўртасида ўтган мусобақада бизнинг «Олачопон-1» жамоамиз голиб чиқди. Финалда Илҳом Имомов ва Исомиддин Эсиргадиевнинг голлари эвазига «Галабек»дан 2:1 ҳисобида устун келдик.

Гап шундаки, бу каби футбол мусобақалари ўтказиш, доимий спорт билан машғул бўлиш учун қишлоғимиз ёшларига футбол

Чайир болалар кўп

майдонига зарурат бор. То март ойигача бир қишлоқдошимизнинг даласида тўп тепамиз. Баҳор келиши билан у экин-тикин, чорва ишлари учун даласидан фойдалана бошлайди ва биз футбол майдонисиз қоламиз.

Спортга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга катта эътибор берилаётган ҳозирги пайтда биз учун ҳам турли мусобақалар, байрам сайиллари ўтказишга ер майдо-

ни ажратилса, нур устига нур бўларди.

Қишлоғимизда «Насаф» футбол клуби, Ўзбекистон миллий терма жамоасида ўйнашни орзу қиладиган болакайлар кўп. Агар бизга озгина эътибор бўлса, қишлоғимиздан чайир ва иқтидорли футболчилар етишиб чиқиши аниқ. Чунки бизда футбол оммавий халқ ўйинига айланган.

Улуғбек ҲАМРОЕВ

Ҳотира

Нормўмин шаҳодатномасини кўрсатганида Узоқ ака ўзида йўқ суюнди. Ҳужжатдаги ёзувни ўқий олмасам ҳам, у ёқ-бу ёғини томоша қилди-да:

— Мактабни битирдинг, энди нима иш қилмоқчисан? — деб сўради.

— Нима қилардим, молхонада сизга ёрдам бериб юраман-да...

— Йўқ, ўғлим, вақтида мен ўқий олмадим, бироқ сизлар ўқинглар. Эшмурод Жўраевдай мол дўхтири бўласанми ёки Ҳайитбойдай механизация инженерими, ўзинг биласан, энг муҳими, ўқисанг бас.

Отасининг оқ фотиҳасини олган Нормўмин Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация институтига кириб, уни

муваффақиятли тугаллади. Қашқадарё вилоят чорвачилигини техникалаштириш ва механизациялаш сервиси корхонасида фаолиятини бошлаб, талай йиллар шу ерда ишлади. Меҳнатсеварлиги, одамохунлиги боис ҳурмат қозонди. Айти пайтда Қамаш туманидаги Муҳаммадиев номли фермер хўжалигининг Гулистон қишлоғида

кичик корхона очиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Узоқ бобо сўзида туриб кейинги ўғиллари Абдурахмон, Абдураззоқ, Чори, Эркинларни ҳам ўқитди. Уларнинг ҳар бири эл-юрт хизматиға қамарбаста. Хуллас, отанинг орзуси рўёбга чиқди.

Абдивой РАҲИМ

Яхшидан ном қолади

Айшиқни

Ҳамқишлоғим Бахтиёр бобо аломат одам. Қачон учрашсам, албатта, бирорта қизиқарли воқеани сўзлаб беради.

Галдаги суҳбатимиз ҳам шундай бўлди.

— Уттизинчи йилларнинг ўрталарида ўспирин бола эдим, — дея сўз бошлади у киши. — Тоғам мулла Иброҳим Чирокчида молия идорасининг бошлиғи бўлиб ишларди. Бир куни уйига нотаниш йигитни отига мингаштириб келиб, уйдагиларга «Тўла полвон» деб таништиради.

Тўла полвон ўрта бўйли, кенг елкали, қўл-оёқлари бақувват, хушсурат йигит экан. Аммо унинг кўзларидан, боқишидан, ҳатто мендек ўспирин ҳам англайдиган қайғу, надомат сезилиб турарди.

Полвон тоғамнинг боғида ишлаб, мол-ҳолига қараб юрди. Баъзан тенгдош жўраларим билан унинг ёнига бориб, полвонлик, чавандозлик ҳақидаги сўзларини тинглардик.

Шундай дамларда кўзлари чақнаб кетар, бизни кураш тушишга ундар, турли усулларни эринмасдан ўргатар эди.

Уша йили қиш қаттиқ келди. Бир куни қалин қор ёғди. Қорнинг оғирлигини кўтаролмай, қўтоннинг йўғон устун бехосдан синиб кетди; қўйлар бостирма тагида қолди.

Шунда Тўла полвон зилдек ёғочни елкасига олиб, тоғам қўйларни ҳайдаб чиққунча бостирмани кўтариб турди. Бу воқеадан сўнг тоғам Тўла полвонга янада меҳр билан қарайдиган бўлди. Тоғамнинг

Ҳожар ва Рўёб исмли шўхшаддод қизчалари унинг елкасига миниб ўйнашар, менинг эса уларга ҳавасим келарди.

Кўкламда Чирокчида «Кав-



ГАЗОТХОН — ГАЗОМА

Миллат кўзгуси

Маънавият сарчашмаси

Сохибкирон Амир Темуристоннинг 660 йиллиги арафасида 1996 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Темурийлар тарихи давлат музейи аинан Амир Темуристон ва унинг сулоласи тарихини ўз ичига олганлиги боис уша давр нафасини бериш билан бир қаторда, замонавий меъморчилик санъати услубида барпо этилган.

Бу ердаги ўтмиш ҳодисаларидан сўзловчи кўлэмалар, ноёб ҳужжатлар, саҳифаларнинг охори тўқилган китоблар, улардаги арабий, форсий, туркий ёзувларнинг барчаси бизга катта манзили мақонга чўзилган сулоланинг бутун ҳаётини сўзлайди.

— Амир Темуристон ва Темурийлар даври Ўзбекистон тарихи саҳифаларида энг шукухли ва кудратли давр ҳисобланади. — дейди музейнинг илмий-ишлар бўйича директори ўринбосари Сурайё Ўлжабоева. — Бу даврнинг маънавий ва моддий маданияти инсоният тамаддунининг ёрқин саҳифаларидан бирига айланган.

Ҳозирги кунда «Темурийлар даври ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши» фундаментал лойиҳаси устида қизғин иш кетмоқда. Тадқиқот доирасида айни пайтда катта хориждаги Темурийлар даврига оид кўлэмаларнинг ўрганилишига доир материаллар, маълумотлар тупланди. Ҳозирги кунда музейда олиб борилаётган тадқиқотлар, излашлар ва чоп этилаётган тўпламлар қатори, ўтмишда турли сабабларга кўра, чет элларга олиб чиқиб кетилган Темурийлар даврига оид кўлэмалар асарлар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, томошабинларни ҳайратга солиб келмоқда. Бу борада музей ходимлари ташаббуси билан экспонатларнинг дунё музейларидаги асладан нусхалар олинди, айни дамда улардан моҳир уста-куллар Хайрулла Исмамухамедов, Ғайрат Жўраев ҳамда Миллий расмлик ва дизайн институти талабаси, заргар Рамзиддин Азизов томонидан бир қанча намуна ва макетлар яратилмоқда.

Уч қаватли музейнинг иккита қаватидаги экспонатлар галереяси ундаги нодир ашёлар, қадимий либослар, ранг-тасвир усталари томонидан Темуристон ва шахзодалар, сарой мушоираси, жанрлар тасвири акс этган суратлар бу масканга ташриф буюрган ҳар бир киши кўнглида улуг Сохибкиронга нисбатан беадаб гўрур туйғуларини уйғотади.

Музейдаги мавжуд уч мингдан зиёд ноёб экспонатлар тоҳанузгача ўтмиш ва бугунни ўзида жамлаган, аждодлар ҳаёти тафсилотларини авлодларга инъом бўлган маънавият сарчашмаси бўлиб қолаверади.

Наргиза АСАДОВА

Кўз хаёллари

Ўйғоқликка даъват

Шивалаб ёгаётган ёмғир бир пасда тинди. Оппоқ булутлар ортидан кўёш мўралади.

Маънос ва безовта кўз. Атроф хазонрезги. Ҳовлимиздаги кўкка бўй чўзган дарахтларнинг олтин ранг барглари чирт-чирт узилиб ерга тушмаяпти. Беқарор шамол барглари ерга тушар-тушмас у ён-бу ёнга тўзгитиб учира бошлади. Рўбарўдаги йўлка устига барглари мисоли поёндоз бўлиб тўшалиб қолди. Табиатнинг мафтункор манзарасига сархуш хаёллар оғушида назар ташлайман. Ҳадемай қиш уйқусига кетадиган дарахтнинг ҳазрати инсонга, унинг бирин-кетин узилаётган барглари жўшқин ҳаёт кунларига, сон-саноксиз барглари билан қопланган йўлкани эса сермазмун умр саҳифаларига ўхшатдим. Бу эса мени теран бир ўйғоқликка чорлади...

Парда ҲАКИМОВ



Ташаккур

Фахр хисси

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 15-ноябр, 136-сонидан чоп этилган, муҳбир Комила Боймуродованинг «Яхшилик яхшиликка қувват» сарлавхали мақоласини ўқиб, айниқса, газетанинг биринчи саҳифасига ярашиб турган Барчинодай ўзбек аёлининг миллий қиёфасини кўриб, қалбимнинг туб-тубида фахр хисларини туйдим. Зеро, бир кўли билан бешикни, бошқаси билан дунёни тебратувчи аёл деганда менинг кўз олдимда мана шу қахрамон сингари аёллар жонланади. Шунинг учун мақола муаллифига миннатдорлигимни билдираман ва яна шундай чиройли мақолалар кўтиб қоламан.

Воҳид ЙЎЛДОШЕВ

Ўқувчилар ташаббуси

Болаларни жудаям яхши кўраман. Ўқувчиларим билан ишлаш менга ўзгача илҳом бағишлайди. Улар билан кўпроқ яқин бўлишга, ўй-хаёлларини билишга интиламан.

Яқинда эркин суҳбат дарсида меҳр-муруват ҳақида суҳбатлашдик. Болаларга савобталаб киши ҳамиша муҳтожлар, ногирон ва кексалардан ёрдамни аямаслиги лозимлигини айтдим. Улар: «Устоз, биз ҳам бирор муруват кўрсата оламизми?» деб сўраб қолишди. «Албатта, агар истасангиз гўдаклар уйига олиб боришим мумкин», дедим.



Меҳрни аяманг

Эртасига ваъда қилганимдек, ўқувчиларимни Китоб шахридаги Гўдаклар уйига олиб бордим. Бизни бош шифокор Гулнора опа Зоҳидова, ҳамшира Шоҳида Очилова кутиб олиб, муассаса ҳақида тўла маълумот беришди. Бу ерда давлат томонидан барча қулайликлар яратилган. Майдонча, ошхона, маданий ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган ҳамда яхшигина жиҳозланган ўқув хоналари мавжуд. Уларга турли хил соҳаларга ихтисослаштирилган хоналар тайёрланган. Масалан, қурилишга доир ўйинчоқлар, деҳқончиликка оид меҳнат қуроллари, мусиқага қизиқувчилар учун кўплаб чолғу асбоблари ёки тиббиётни ўрганмоқчи бўлганларга тиббий ускуналар

билан жиҳозланган хоналар бор. Ўқувчиларим олиб келган совға-саломларини болажонларга улашди. Уларнинг қувонганини кўриб, ўзлари ҳам хурсанд бўлишди.

Ўқувчилар муассаса ходимларини саволга кўмиб юборишди. Бош шифокор уларга ота-оналарнинг бефарқлиги, чекиши, спиртли ичимлик истеъмол қилиши гўдакларнинг майиб-мажруҳ туғилишига сабаб бўлиши, ўткинчи ҳузурдан фарзандлар азият чекиши ҳақида гапириб берди. Ўқувчиларнинг Гўдаклар уйидаги болаларга нисбатан меҳри ошиб, ўзларининг соғлом ва бахтли эканликларидан шукроналар қилишди.

Шоира ИСАЕВА,
ўқитувчи

ЎЙҚИТГАН ПОЛВОН

каздан келган Петросян деган пахлавон тош кўтарармиш» деган овоза тарқалди. Жўраларим билан томошага бордим. Кенг майдонда ярим яланғоч дөвдек одам осмонга катталиги тарвуздек келадиган тошларни ирғитиб, кўкраги билан пастга уриб туширар, йўғонлиги билакдек темир симларни худди ипдек эшиб ташларди.

Томошани олиб борувчи киши ҳалойиққа қараб: «Ораларингда машҳур полвон билан кураш тушадиган эркак борми?» деб хитоб қилди.

Давра сув куйгандек жим. Ўша лаҳзада бир четдан «Мен олишаман» деган овоз эшитилди. Не кўз билан кўрайликки, майдонга Тўла полвон кўкрак кериб чиқиб келди. Ерга нажот излаб тикилган кўзлар Тўла полвонга умидвор боқди.

Петросяннинг қошида у ёш боладек кўринди. Басавлат армани ҳатто Тўла полвонга назар солишни ҳам эп кўрмади. Тўла полвон эса хотиржам давра айланди. Кураш бошланди. Армани полвон кўллари эзиб келди.

Ишонсангиз, «Ё, пирим» деган овоз эшитилди-ю, машҳур армани полвон Тўла полвоннинг елкасидан худди сомон тўлдирилган қанордек ошиб тушди. Эл-улус «ҳалол!» деб ҳайқирди.

Мағлуб бўлганидан уялган полвон эса йиғлаб даврадан чиқиб кетди.

Эртасига тоғам Тўла полвон ғалабаси шарафига элга ош берди. Ўша йили ғалла мўл бўлди, тўйлар қизиди. Яна Чироқчи тарафда кимдир катта тўй бошлаб, кураш берди. Олишув тонг отгунча давом этди. Бир пайт тўй ба-

ковули жар солди:

— Оғайнилар, тўйга тоғдан «Айиқ полвон» келган, ўртага бир той тикилган.

Баланд бўйли барзанги бир одам баҳайбат кулранг айиқни эргаштириб, даврага чиқди. Қурғур «Айиқ полвон» белига белбоғ боғлаган, худди алплардек икки оёқда давра айланди. Унинг ҳайбатини, шаштини кўрган зўрлар жим бўлиб, пусиб қолишди.

Жарчи яна товуш берди:

— Элдошлар, кўнгилларинг ўзларингдан қолсин, яна бир чақираман, агар талабгор бўлмаса, той «Айиқ полвон»га кетади.

Тоғамнинг ёнида ўтирган Тўла полвон чидай олмай, даврага отилиб чиқди. Тоғам уни қайтармоқчи бўлди, аммо одамлар: «Олиш», «Қайтма» деб унга далда беришди.

Кураш бошланди. «Айиқ полвон» лапанлаганча Тўла полвонга ҳамла қилди. Полвон эпчиллик билан чап берди ва рақибига шердек ташланиб, қўшпойча солди. Айиқ гўмбирлаб ерга ағнади, халойиқ қийқириб юборди. Олқишлар янгради. Туман милицияси бошлиги Аҳмад Рустамов кела солиб полвоннинг елкасига ўзининг чопонини ёпди. Мен тойни қишлоққа миниб келдим. Йўлда негадир кўшиқ айтгим келарди. Голиб Тўла полвон эмас, гўё ўзим эдим.

Орадани йиллар ўтди. Тоғам полвонни уйлантириб, хизматига рози бўлиб, юртига кузатиб қўйди. Аҳён-аҳёнда ҳамон унинг тўйларда кураш тушаётганини эшитиб қолардим...

Ўролбой ҚОБИЛ

М

устақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида «Мустақиллик йилларида илм-фан тараққиёти: ёш олимлар муҳим фундаментал натижалари, амалий ютуқлари ва инновациялар» мавзусида республика ёш олимларининг илмий-амалий конференцияси ташкил этилди. Шунингдек, ЎзФА Ёш олимлар кенгаши раиси С. Фуломовнинг мамлакатимиз раҳбари томонидан тақлиф этилган Концепция асосида ёш олим ва мутахассислар илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари мажмуаси лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Маълумки, замонавий тараққиёт тенденциясида барқарор иқтисодий ўсишнинг самарали ресурсларидан бири сифатида иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини рағбатлантириш ва илгор илм-фан ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига жорий қилиш биринчи ўринга қўйилмоқда.

Утган қисқа вақт мобайнида ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва иқтидорли ёшларни илм-фанга жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. ЎзФА Ёш олимлар кенгаши саъй-ҳаракати билан «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда ўнга яқин илмий конференция ва давра суҳбатлари уюштирилди. 100 га яқин хориж ва республика илмий журналларида мақолалар эълон қилинди. Мазкур конференцияларда нафақат Фанлар академияси ёш олимлари, республикамизнинг турли илмий муассасаларида фаолият олиб бораётган юзлаб иқтидор эгалари ҳам иштирок этди.

Ушбу тадбирдан асосий мақсад ёш олимлар томонидан мустақиллик йилларида эришилган энг муҳим фундаментал натижалар, долзарб амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион технология ва илмий ҳажмдор маҳсулотларни чуқур таҳлил қилиш, келгусида фан ва технологияларни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама этиш, ёш олимларнинг интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, уларни илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантиришдан иборат.

Конференция учта секцияда — «Физика-математика ва техника фанлари йўналишида ёш олимлар томонидан эришилган муҳим илмий натижалар ва уларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш истиқболлари», «Табии фанлар йўналишида амалга оширилган илмий-амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари натижаларини амалиётга татбиқ қилиш имкониятларини баҳолаш», «Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича қўлга киритилган муҳим фундаментал илмий натижалар ва амалий ютуқларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш» мавзуларида давом этди.

Куйида ушбу конференцияда муҳокама этилган айрим илмий тадқиқот ишларини ҳавола этамиз.


Салоҳият ва

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан

Юртимизда табиий бойликларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга қолдириш, энергия тежовчи қурилмаларни такомиллаштириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга оид самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу борада қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, энг аввало, энергияга бўлган талабни қондириб, табиий энергия манбалари — кўмир, нефт-газни тежаш имконини беради.



Пахтани тортиш, дала шароитида қуришти ҳамда пахта тозалаш корхоналарида ғарамларни бузиб, қайта ишлаш жараёнига уза-

Пахта тозалаш корхоналарини ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири юқори самарали техника ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ қилишдир.

Кўп чўнтакли тоштутгич

тишда пахта.ичига турли катталиқдаги оғир жисм ва металл парчалари тушиб қолади. Бу ҳол жисмлар пахтани қайта ишлаш тизими-га ўрнатилган машиналарнинг иш камераси, ишчи органларини шикастлайди. Шу билан бирга пахта тозалаш заводларида юз берадиган ёнғинларга сабаб бўлади.

Бу жараёнда оғир аралашмаларни ажратиш олиш муҳим аҳамиятга эга. Пахта тозалаш корхоналарида оғир аралашмаларни ушлаб қоладиган қурилмалар асосан пневмотранспорт линиясининг горизонтал қисмидан вертикал қисмига ўтиш жойига ўрнатилади. Бунда пахтани вертикал йўналишда кўтариб ҳаракатлантира оладиган ҳаво тезлиги ундан оғир бўлган бошқа аралашмаларнинг ажралиб қолишига имкон беради. Мазкур қурилманинг энг катта камчилиги камеранинг пастки қисмига оғир аралашмалар билан бирга пахтанинг ҳам тушиб қолишидир. Буни бартараф этиш учун камеранинг пастки қисмидаги чўнтакнинг ўлчамларини қисқартириш керак.

Бундай ўзгартириш натижасида тоштутгич

чўнтакнинг фойдали қисми юзасини оширишнинг янги усули топилди. Ушбу усулда тоштутгич камерасида маълум масофаларда қўшимча чўнтаклар ўрнатиш тақлиф қилинди. Чўнтаклар сонини аниқлаш учун тайёрланган экспериментал қурилмада уларнинг сони, ўлчамлари ва жойлашувини ўзгартириш имконияти билан ишлаб чиқилди.

Натижада тоштутгичда оғир аралашмалар билан биргалиқда пахта тушиб қолишининг ҳам олди олинди.

Тоштутгич қурилмасида тақлиф қилинган чўнтаклар орасидаги оралик масофага панжара ўрнатилиб, чигитли пахта таркибидаги оғир аралашмалар билан бирга майда чикитлардан тозалаш имкониятига ҳам эришилади. Бу эса пахтани тозалаш жараёнини қисқартиради ва тола, чигит шикастланиши ҳамда электр энергияси сарфини камайтиради.

О. МАМАТКУЛОВ,
Наманган муҳандислик-технология институти стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

Автоном қуёш қурилмалари

ЎзР ФА «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бу йўналишда кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Институтида барпо этилган Катта Қуёш Сандони автоматлаштирилган бошқариш тизими эга мураккаб оптик комплекс бўлиб, гелиостат майдони, параболаид формасидаги концентратор ва технологик миноралардан иборат. Концентратор фокус масофаси 18 м бўлган параболаид бўлиб, фацеталарнинг сони 10700 та ва улар гелиостат майдонидан келадиган қуёш нурларини фокус зонасига 10000 баробар ошириб беради. Фокус зонаси технологик минорада жойлашган ва унда 1 миллион Вт энергия 1,0 метр диаметрда тўпланади ва 800 Вт/м² тўғри қуёш радиациясида фокусда 700 Вт/см² зичликдаги энергия олиниши мумкин. Катта Қуёш Сандонининг фокус зонасида ўта қийин эрийдиган материаллар эритиш, синтез қилиш, ноёб материаллар олиш соҳаларида илмий изланишлар олиб борилади. Катта Қуёш Сандонида синтез қилинаётган материаллардан янги, техникада муҳим рол ўйнайдиган хоссаларнинг мавжуд бўлиши ва шу хоссаларга эга бўлган 100 дан зиёд материалларнинг яратилиши Республика саноати учун зарур бўлган илмий-техник маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини бериши. Шу билан бирга, қуёш энергиясини бошқа тур энергияга ўзгартириш бўйича, яъни лазер нури, водород, электр ва иссиқлик энергияси олиш каби бир қанча йўналишларда ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Олинган илмий натижалар асосида ҳозирда 5 кВт қувватли автоном қуёш қурилмаси яратилмоқда. Ушбу қурилма қуёш нури ёрдамида электр, иссиқлик энергияси ва водород ишлаб чиқариш имконини беради. Бунда водород энергияси булутли кунларда электр энергияси ишлаб чиқаришга хизмат қилиб, йил давомида ушбу қуёш қурилмаси хонадонлар, фермер хўжалиқлари ва кичик ташкилотларни электр ва иссиқлик билан таъминлаш имкониятига эга.

Автоном қуёш қурилмаси параболик концентраторининг диаметри 6 м бўлиб, нур қайтарувчи юза махсус алюминий фольга билан қопланади. Унинг нур қайтариш коэффициенти 82 фоизни ташкил этади. Ушбу қурилма фокусда 20 кВт энергия зичлиги ҳосил қилиниб, буг қозони ўрнатилган реакторга тушади. Ҳосил қилинган қиздирилган буг юқори босимда буг турбинасини ҳаракатга келтириб, электр энергияси олинади. Турбинадан чиққан иссиқ сув хоналарни иситишга юборилади. Шу тариқа айланма жараён орқали электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади.

Аҳамиятли томони, автоном қуёш қурилмасини олиш аҳоли пунктларида — тоғ, чўл зоналарида қўллаш имкони мавжуд. Ўзбекистон шароитида бир йилда 270-280 кун қуёшли бўлганлиги сабабли йил давомида ушбу қурилма ёрдамида хонадонларни электр ва иссиқлик билан таъминлаш мумкин.

Ж. АҲАДОВ, А. АБДУМУМИНОВ, Б. ЁҚУБОВ,
«Физика-Қуёш» ИИЧБ Материалшунослик институти ходимлари



Электрон дарслик «қоғоз» дарсликдан кўра бир мунча юқори интеллекта эга бўлиши зарур. Чунки компьютер ўқитувчи фаолиятининг бир нечта қирралари (зарур ҳолда маслаҳат бериш, эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, синондан ўтказишга ёрдам бериш ва ҳ.к.)ни умумлаштириш имконига эга. Шу билан бирга, у ўрганилаётган фан бўйича зарур ўқув материалларини тўлалигича қамраб олган бўлиши керак. Фақат фан бўйича тўла ўқув маълумотларигина электрон дарсликнинг муваффа-

қиятини таъминлаши мумкин. Электрон дарсликдаги «интеллектуал қирра»нинг мавжудлиги эса унинг оддий дарслик олдидаги камчилиги (фақат компьютердан фойдаланилиши) ўрнини босиши билан бир пайтда унга қўшимча имкониятлар (зарур маълумотларни тезкор суръатда излаш, ихчамлилик ва ҳ.к.) яратади. Ҳар бир дарслик бир томондан маълум даражада алоҳида ҳодиса бўлиши, иккинчи томондан эса таркибий тузилмаси, маълумотлар

Электрон

форматларига оид стандартларга жавоб бериши керак.

Умумтаълим мактабларида ЭД яратишнинг моҳиятини аниқлашда аънавий ўқитиш жараёнини таққослашга таянилади. Мазкур таққослаш натижаси, аввало, таълим субъектларининг ижодкорлик муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг 80-йилларида дунёда компьютерларнинг кенг тарқалиши таълим соҳасида нафақат янги техникавий, балки дидактик имкониятларни ҳам яратди. Ўқув

компьютер тизимларида графикавий иллюстрацияларни қўллаш фақат таълим олувчиларга ахборотни узатиш тезлигини ва уни тушуниш интенсивлигини ошириш имкониятини бериб қолмасдан, балки уларда образли фикрлаш каби қобилиятларни ривожлантиради. Хотира ҳажми катта бўлган электрон воситалар ва глобал телекоммуникацион муҳитларнинг пайдо бўлиши ўз ичига гипер-

ИМКОНИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Парник – қурутгич гелиоқурилмаси

Инсоният олдида аҳолини озиқ-овқат ва энергия билан таъминлаш, ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш долзарб бўлиб келган. Бу масалаларни ҳал қилишда қуёш энергиясидан халқ хўжалигида, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда фойдаланишнинг унумли йўллари излаб топиш катта аҳамиятга эга.


Мева, узумлар ва улардан тайёрланган қоқиларда тез ҳазм бўладиган ва организм учун керакли углеводлар, органик кислоталар, минерал тузлар, вино кислоталари ва бошқа элементлар бор. Улар инсон организмнинг нормал яшаши учун зарур. Жаҳондаги нуфузли тиббиёт академияларининг тавсиясига кўра ҳар бир инсоннинг қуруқ мева истеъмол қилиш мёъри бир йилда камида 1,8 кг.ни ташкил этади. Дунё аҳолиси ва ишлаб чиқаришни таъминлаш учун катта миқдорда қуруқ мева ва майиз тайёрлаш кераклигини тушуниш қийин эмас.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда қуруқ мевалар асосан очик ҳавода тайёрланади. Бу усулнинг ижобий томонлари билан бирга маълум камчиликлари ҳам бор. Жумладан, қуриш жараёнининг узоклиги, ноқулай об-ҳаво, айтайлик, нам тушиши, ёмғирли кунларда маҳсулотнинг қисман нобуд бўлиши, атмосфера чанглари таъсирида ифлосланиши кўшимча ишлов беришни талаб қилади. Натижада, маҳсулот ҳажми камайиб, таннархи ошади.

Бугунги кунда мева ва узумларни қуриштириш учун электр ва

ёқилги энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириб ишлайдиган қурилмалар таклиф қилинмоқда. Уларнинг ижобий томонлари бўлса-да, бир тонна қуруқ маҳсулот олиш учун 0,5 тонна атрофида ёқилги сарфланади.

Ҳозирда мева ва узумларни қуриштиришга мўлжалланган қуриш қурилмаларини яратиш ва са-



марадорлигини ошириш борасида муайян тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин таклиф қилинаётган қурилмаларда изланишлар натижаси бир мақсадга қаратилган. Агар яратилган қурилмадан фақат мева ва узумларни қуриштиришда фойдаланилса, у ярим йил «бекор» туради.

Мавжуд парник ва гелиоқурутгичларнинг конструкцияларини ўрганиш ҳамда олиб борилган тадқиқотларимиз асосида парник типли радиацион конвектив гелиоқурутгичнинг конструкцияси яратилди. Бу қурилмадан ноябр ойидан келгуси йилнинг апрелигача атиргул ниҳолларини кўкартириш

ёки кўчатлар етиштиришда, май-октябр ойларида қурутгич сифатида фойдаланилади.

Мева ва узумларни рухсат этилган қуриштириш температура 65-70° С дан ошмаслиги учун ҳаво оқимининг тезлиги 0,4-0,6 м/с бўлиши таъминланади. Табиий ҳаво айланмасини ҳосил қилиш учун 9 м. узунликда тайёрланган қурилманинг кўндаланг қесимларида тешиклар ҳосил қилинади. Мажбурий ҳаво айланмасини ҳосил қилишда вентилятор танланади.

Таклиф этилаётган парник қурутгичда ўтказилган тажрибалар 1м² дан 100 дона гул ниҳолларини етиштириш ва қуриштириш мавсумида 100 кг. атрофида қуруқ мева олиш имконини беради. Меваларни қуриш вақти очик ҳавога нисбатан 2,5 - 3,5 марта қисқа бўлиб, сифати юқори. Қурилмани тайёрлаш учун сарфланган харажатлар фақат гул ниҳолларини етиштириш ҳисобидан биринчи йилда қопланади. Ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида, кичик бизнесни ташкил қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

З.ТОИРОВ,

Галаосиё педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, т.ф.н., доцент.

С.БОЛТАЕВ,

Галаосиё педагогика коллежи директори, т.ф.н., доцент.

Д.ЖУМАЕВ,

ЎЗР ФА УНКИ, к.ф.н.

матли, мулти ва гипермедиа технологияларни, виртуал тизимларни қўлайдиган ўқув дастурли воситаларни яратишга олиб келди. Бундай тизимлардан фойдаланиш лазерли компакт дискларда электрон дастурлар, маълумотномалар, китоблар ва бошқа манбаларни кўплаб ададлаштириш имкониятини яратди. Айни шу хусусият электрон қўлланмаларнинг босмаларига нисбатан устунлигини таъминлайди. Яъни босмаҳона ишларининг бажарилмаслиги ҳисобига ишчи

вақтни тежаш мумкин.

Энди асосий талаблар — методик афзаллик ва билим даражасининг оширилишидаги хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтсак. Маълумки, «қоғоз» дарсликлар ўқитиш жараёнининг муайян бошланғич ва якуний даражасини тавсифлайди. Бирор ўқув фани бўйича чиқарилган ЭД эса мураккабликнинг бир неча даражасини қамрай олади. Бунда ҳар бир даража учун мўлжалланган топшириқлар базаси мукамал ҳолатда

тестларининг кўп вариантлилиги, кўпдаражалилиги ва хилма-хиллигини таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, бу каби синовларнинг барча тури таълим олувчига интерфаол ва тартибли тизимда етказилади.

Тўртинчидан, ЭДдан фойдаланаётган ўқувчи исталган вақтда билимини текшириш ва баҳолаш имконига эга. Бунинг учун ўқитувчи белгиланган маҳсул кунни, топшириқ натижаларининг баҳолашини кутишга ҳоҳлат йўқ. Бу омил электрон қўлланмаларнинг бешинчи афзаллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўқитувчи таълим жараёнида «маълумотлар омбори» сифатида эмас, балки йўналтирувчи, бошқарувчи сифатида иштирок этади. Бу эса назарий ва амалий машғулотларда ўз хоҳиши бўйича ҳажман кичик, аммо таркибан ўта муҳим материалларни етказишга, таълим олувчиларнинг дардан ташқари ўрганиши мумкин бўлган масалаларида кўмаклашишга имкон яратади.

Н.ОЙМАТОВА,

ЎЗМУ тадқиқотчиси

дарсликлар

қучи тежалса, иккинчи томондан фойдаланиш жараёнида тўлдириш, такомиллаштиришга шароит мавжудлиги билан иқтисодий тарафдан ҳам ўзини оқлайди.

Навбатдаги афзаллик таълим олувчи билан ЭДнинг яқинлашуви босма нашрларга нисбатан юқори эканлигида кўринади. ЭДга талаб ва эҳтиёж ошгани сари исталган вақтда уни кўпайтириш, тармоқ бўйича жўнатиш орқали


ЭД таркибига киритилган бўлади.

Иккинчидан эса, босмага нисбатан электрон дарсликда кўргазмалилик юқори бўлади. Турли анимацион эффектли видеолавҳа, товушли маълумот, гиперҳавола ва бошқа мултимедиа технологиялар электрон кўргазмалиликнинг асосидир.

Учинчидан, электрон дарслик синовларнинг топшириқлари ва

Уруғли мевали даракларда кенг тарқалган касалликларнинг кўпчилиги ёш кўчатлар билан

бир қаторда катта ёшдаги даракларни ҳам зарарлайди. Ўсимликнинг ўсиши ҳамда ривожланишига салбий таъсир қилиб, ҳосилнинг каттагина қисми йўқолишига сабаб бўлади. Уруғ мевали даракларнинг касалликлари орасида монилиоз энг кўп зарар келтиради. Биз тадқиқотлар ўтказган уруғли мева даракларидан ташкил топган боғларда монилиоз касаллиги икки хил, яъни монилиоз куйиш ва монилиоз чириш кўринишида намоён бўлишини кузатдик.



Монилиоз касаллиги ва зарари

Уруғли мева даракларидаги монилиоз касаллигининг минтақалар бўйича тарқалишига оид маълумотларни таҳлил қилганимизда, уруғли мева даракларининг монилиоз куйиш ҳамда монилиоз чириш тоғ олди минтақасида кўпроқ бўлиб, бу ерда монилиоз куйишнинг тарқалиши 45,5-93,5, меваларнинг монилиоз чириши эса 12,0-46,0 фоизни ташкил этди. Тоғли минтақада ҳамда текисликда бу касалликларнинг кўрсаткичлари пастроқ бўлиб, тоғли минтақада 28,8-76,4 ва 6,0-29,0, текисликда 32,3-82,7 ва 8,0-30,4 фоизга тенг бўлди.

Монилиоз касаллигини тоғ олди минтақасида кўпроқ, тоғли ва текислик минтақасида нисбатан камроқ тарқалишига сабаб тоғ олдида монилиоз касаллигини қўзғатувчи замбуруғ турининг ўсиши ва ривожланиши учун керакли ҳарорат ҳамда намликнинг мавжудлигидир.

Олма, нок ва беҳи даракларининг монилиоз касаллигига қарши фитосанитар тадбирлар билан фунгицидларни уйғунлашган ҳолда қўллаш бўйича синовлари Академик Р.Р.Шредер номли Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти уруғли мева боғларида олманинг «Голден Делишес», нокнинг «Нашвати зимняя» ва беҳининг «Атир беҳи» навида ўтказилди. Тажриба натижаларини таҳлил қилганимизда синаш учун олинган фунгицидларнинг барчаси назоратга нисбатан касалликнинг олма баргларида 16,0-56,0 фоизгача, меваларда 11,1-55,6 фоизгача камайтирди ва 13,3-66,7 ц/га кўшимча ҳосил олинди. Энг яхши кўрсаткич Ридомил голд ва Импакт ишлатилган вариантларда кузатилди.

Нок даракларида монилиоз касаллигига қарши ишлатилган фунгицидларнинг ҳаммаси касалликни назоратга нисбатан баргларида 17,0-57,4 фоизгача, меваларда 16,1-56,7 фоизгача камайтирди ҳамда кўшимча 2,5-24,4 ц/га ҳосил олинди. Бу тажрибаларда ҳам юқорида қайд этилган фунгицидлар бошқа препаратлар ва андозага нисбатан яхши натижаларни намоён қилди.

Уруғли мева даракларининг монилиоз касаллигига қарши боғларда фитосанитар тадбирларни талаб даражасида амалга ошириш фақат касалликларнинг тарқалишини камайтириб қолмасдан, балки касаллик туфайли йўқотиладиган ҳосилнинг маълум қисмини ва унинг сифатини сақлаб қолишга имкон яратди. Фитосанитар тадбирларни кимёвий кураш чоралари билан уйғунлашган ҳолда олиб бориш яхши натижалар берди. Бордо суоқлиги даракларни касаллик қўзғатувчисидан ҳимоя қилган бўлса, системали таъсир қилувчи фунгицидлар — Ридомил голд ва Импакт ўсимлик тўқимасига сингиб, у ердаги касаллик қўзғатувчи замбуруғнинг ўсиши ва ривожланишини секинлаштирди. Синалган фунгицидлар орасидан ўсув даврида қўллаш учун Ридомил голдни 0,25, ва Импактнинг 0,02 фоизли суспензияларини ҳамда қишлоқчи инфекция манбаларини йўқотиш учун 4 фоизли Бордо суоқлигини тавсия қилиш мумкин.

Н.МАМЕДОВ,

ЎЗР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий ходими

ЎЗФАда ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Академия бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, ЎЗРФА маъмурияти ва Бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси ўртасидаги жамоа келишувига асосан вилоятдан келиб аспирантлар уйида истикомат қилаётган кам таъминланганлар тўловлардан озод қилинган. Бундан ташқари, спортнинг олти тури бўйича ҳар йили Мустақиллигимиз байрами арафасида «Академияда», икки йилда бир марта эса ёшга оид «Академикросс» мусобақаларини ўтказиш аънаънага айланган.

Ўтган икки йил мобайнида Фанлар академияси маъмурияти билан ҳамкорликда кўплаб республика илмий-амалий конференциялари ўтказилди. Тадбирлар доирасида ёш тадқиқотчилар ва олимлар ўртасида ташкил этилган танлов натижаларига кўра, «Энг яхши илмий мақола», «Энг яхши инновацион гоёя», «Энг яхши илмий раҳбар» ва бошқа номинациялар бўйича голиб ва совриндорлар кимматбахо эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ёшларнинг маънавий салоҳиятини ошириш борасида Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳимийлигида 2009 йилда 100, 2010 йилда 150, 2011 йилда 200 нафар академия ходимлари ва ёш олимларнинг Самарқандга савҳати, байрам саналарида тегишли тадбирлар уюштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.



Ўзбекнинг азалий орзуси нима?

Бу саволнинг жавоби аниқ:

Албатта, ўғилми-қизми фарзандли бўлиш, эзгу ниятлар билан элга дастурхон ёзиш.

Кайвони отамиз (яратган Эгам охиратини обод айласин):

— Тўй — саккизинчи хазина, — дердилар. — Биродарининг тўй қилаётганини кўрган мўмин-мусулмон ҳеч қачон бир чеккада томошабин бўлиб ўтирмайди. Кимдир хизмати билан унинг яхши ўтишига улуш қўшса, бошқаси тўёнага қўйми-эчкими етаклаб келади. Бежиз ота-боболаримиз қавмидан кимнингдир рўзғори паст тушганини сезса, тўй қилишни маслаҳат беришмаган. Тўй бошлангунча эгасиники, бошлангандан сўнг элники.

Лекин, сир эмаски, табиатимизга бошқалар ҳаётига бефарқлик аралашди. Ароқ-шароблар дарёси тўйларимиздан файз-барокат, меҳр-мурувватни бироз бўлса-да аритди.

Гоҳида тўй давраларини зимдан «мен сендан камми» қабилдаги исрофгарчилик мусобақасига айлантираёямиз. Кейинги вақтда бу ҳақда кўп ва хўп гапирилмоқда. Ушбу мақола орқали шусиз ҳам гуриллаётган мунозаралар ўчоғига баландроқ ўт қаламоқчи эмасман. Кўз ўнгимда содир бўлган икки воқеа мисолида тўйларимизда дуч келинаётган яхшилик ва ёмонлик қирралари ҳақида сўз юритмоқчиман.

Бўш ўриндиқлар сири

Қишлоғимизда бир йигит яшайди. Кўпчилик азбаройи ҳурмат юзасидан унинг исмига «бой» қўшиб атайди. Ота-онасининг қурби етмаганидан ўрта мактабни аранг тугаллаб, ўзини ишга урган.

Шунга қарамай укамиз даллигулли табиати, қуйди-чиқдилиги билан атрофидагилар эътиборида. Ўзи яшайдиган маҳаллада ўтадиган тўй-ҳашамларда қўлига отамерос камчинни олиб давра айланиши эҳтимол кимнингдир ғашини кўзгатар. Аммо, у бош бўлган даврада тартиб сақланади, эркаклар ён-верига қараб ўтиради, оналар изидан эргашиб келган боласини қаровсиз қолдирмайди, ёш-яланглар навбати билан рақсга тушади. Акс ҳолда, укамиз давра раисидан овоз кучайтиргични шартта олиб:

— Фалончибой, арақ шишада тинч ётади, кўтариб билсангиз ичинг, бир мўминнинг тўйини бузманг.

— Фалончи опа, тўққан болангизга кучингиз етмаса, уйда қолдириб келиш керак эди.

— Укажон, даврада сиздан бошқалар ҳам бор, тўйхонанинг тўс-тўполонини чиқариб юбордингиз-ку, — дея дакки беришдан ҳам қайтмайди.

Шундан кейин ҳам биров унинг гапини икки қилиб кўрсин-чи?

Хуллас, яқинда шу ўзимиз билган йигит тўнғич ўғлига Косондан келин туширадиган бўлди.

— Ўғлингга шу атрофдан қиз то-

пилмадимми? — дея сўраганларга:

— Келин бўлмиш «армейский» биродаримнинг кизи, — деб жавоб қайтарди.

Қишлоқда тўй кунларини ажрим қилиш қийин эмас.

Қош қорая бошлаган палла тўдаларга бўлинган эркаклар, дастурхон кўтарган аёллар, ёш-яланглар оқими қайси томонга йўналса, билинги, ўша маҳаллада тўй бор.

Қишлоқ одамлари синчи бўлади: тўйга ким келиб, ким қолганини ажрим қилиб туради. Қаҳрамонимизга менгазан дангалчилар:

— Оғайни, бизди тўйда кўринмадингиз, нима ўзингизга тенг билмадингизми? — деб ёзғириши ҳам тайин.

Шу боис давра анча гавжум бўлди, аммо...

Негадир ҳовлининг энг кўзга ташланадиган жойидаги бекаму кўст безатилган стол, унинг атрофига қўйилган икки ўриндиқ тўй ниҳоясига етгунча бўш турди.

Турфа шарбатлари ичимликлар тикини очилмади, сархил мевалар кўрган кўзни яшнатиб тураверди, яхна гўшт, тандир кабоб кимгадир илҳақ қолди, ноннинг дастаси бузилмади.

Даврадагилар бир-бирига савол ташлади:

— Бу жой қандай азиз меҳмонларга ҳозирланган экан?

— Ким бўлсаям ҳурматини билмаган кишиларга ўхшайди.

Бўш ўриндиқлар сири давра якунида хонадон соҳибига сўз берилгач аён бўлди:

— Оғайнилар, — деди хонадон соҳибига ҳамманинг эътиборини

тортган столга яқинлашиб, — сезаяпман, кўпчилигингизни мана шу стол нега бўш тургани қизиқтиргандир. Келин бўлмишимизнинг отаси билан икки йил ҳарбий хизматда бирга бўлиб, қиёматли биродар тутингандик. Бечоранинг умри қисқа экан, аварияга учраб фожиали ҳалок бўлди. Турмуш ўртоғи ҳам бу айрилиқни кўтара олмади. Келинимиз ота-она меҳрига қонмай ўсди. Ўшанда дўстимнинг хотирасига қасам ичиб: «Катта бўлса ундан қолган ёлғиз ёдгорни келин қиламан, у менга келин эмас, қиз бўлади», дегандим.

Худого шукур, шу кунларга етдим. Бу икки ўриндиқ мен учун азиз бўлган ўша икки инсон ҳурматида қўйилганди. Эҳтимол, ҳозир уларнинг арвоғи шод бўлиб тўйхона устида учиб юргандир...

Тўй соҳибига кўз ёшларини яширмади. Давра аҳлининг бу синоатдан юраги эзилди...

«Той» тепкисини ким кўтаради?..

Шерали ўта меҳнаткаш йигит, эсини танибдики, шахсий юк машинасига тиним бермай қишлоқдошларининг оғирини ёнғил қилади. Меҳнати орқасидан оиласининг кам-кўстини бутлайди. Яқинда ёзнинг жазираси, қишнинг аёзи демай темир чангаллаб топган-тутганини ўртага қўйиб, тўй дастурхонини ёзди. Кечқурун укаси ва тўнғич ўғлининг бахт тўйи, эртаси чошгоҳда кичик ўғлининг суннат тўйига ку-

раш беради.

Курашга ким ишқибозлик қилмайди дейсиз. Айниқса, бундай тўйлар онда-сонда бир берилиб турганда?

Давра тирбанд бўлди.

Йиқитган ким-йиққан ким, ҳисоби-га етиб бўлмай қолди.

Кимдир ўз севган полвонига тарафкашлик қилган, бошқаси йиқилганнинг кўнглини овлаш учун даврага чиққан. Бир сўз билан айтганда, ор-номус синовдан ўтадиган давра.

Қишлоқдошлар, узоқ-яқиндан келган таниш-билишлар ҳам баҳоли қудрат «борги» (курашли тўй давраларида полвонларга бериладиган соврин) қўяпти.

Кимдир қўй-эчки, кимдир эса тўртбеш минг сўм пул.

Давра баковули — роппа-роса чорак аср тўй давраларида кураш тушган, бир муддат қишлоқнинг олди полвони бўлган, зўрнинг зўрлигини холис баҳолайдиган ўрта ёшлардаги киши ёшларни илҳомлантириб турди:

— Бугун Шералибойнинг сизга атаганлари кўп. Ҳалол олишиб, совриндор бўлинг. Қани тенг-тенги билан даврага чиқсин. Катта-катта борги айтаман. Тагин тўй тугаб, афсусланиб юрманг.

Кейин даврага чиққан янги-янги жуфтликларни томошабинларга таништириб, боргиларини эълон қилди.

Давра бинойидек давом этаётганди.

Кутилмаганда рақиб чил солганда ўзини ўнғолмай қолган бир полвон бошқа жуфтликнинг давра айланаётган вакилига туртиниб кетди.

Ҳар доим ноҳосдан берилган зарба кучли чиқади, иккинчи жуфтлик вакили юзтубан тушди, унинг рақибига эса фурсатдан фойдаланиб, ерда ётган полвоннинг қўлларини қайирганча чалқайрамон қилди.

— Йўқ, полвон, сиз йиқитмадингиз, — деди баковул қозонилган фирром галабани нишонлаётган йигитга. — Ерда ётган рақибга қўл солиш уят бўлади.

Аммо «галаба» нашидасини сураётган ёш полвон баковулнинг гапига пинагини ҳам бузмай жойига бориб ўтирди.

Ярим соатча вақт давомида фирром услубда мағлуб этилган полвон даврани айлангач, баковулнинг ёнига бориб рақибини чақиритишни сўради.

— Шу йигитнинг шериги даврага чиқсин, акс ҳолда боргисини бериб юбораман, — жар солди баковул.

— Ўша йигитга фалонингни ҳам элтиб бер, — ўрнидан сапчиб туриб баковулга нордон сўкишларни қалаштириб ташлади фирром полвоннинг отаси.

Баковул ҳам ўзини тутолмай бинойигина жавоб қайтарди.

— Тилингни юлиб оламан сени, нимага қараб турибсан. Ур энагарни, — даврага ота ва фирром ўғил югуриб чиқди.

— Ушла-ё, ушла.

— Уришгани қўйма.

Давранинг турли бурчакларидан ҳайқириклар янгради. Кимдир баковулга мушт кўтариб югурган ота-ўғилнинг олдини кесди. Кўпчилик кўпчиликда, ота-ўғилни баковулга яқинлаштирмади. Аммо ўзига бирон кимса эътибор қаратмаётганидан фойдаланган кичик ўғил одамлар устидан сакраб, баковулнинг бетига мушт туширди. Қоши ёрилган баковул юзини қўллари билан ушлаб ёрга чўккалади.

Бинойигина давом этаётган давранинг тўс-тўполони чиқди.

Қизиқ, ота вақтида шу баковулнинг изидан юриб кураш тушганди. Ҳар иккала ўғил ҳам уни устоз деб биларди. Аммо арзиманган борги учун ўртадан иззат-икром кўтарилди.

Абдунаби АБДИЕВ,
«Олтин қалам» халқаро
миллий мукофоти совриндори

Соғлом бўлай десангиз — Олма энг!



Ҳар йили Европа мамлакатларида

«Олма куни» нишонланади.

Ушбу сархил мева дунёда энг кўп истеъмол қилинади.

Кўпчилик олмада темир моддаси ва С витамини кўп, уни ошқозонида яраси бор кишилар ейиши мумкинмас, деб ўйлайди. Аниқланишича, олмада темир моддаси жуда кам. Аскорбин кислотаси ҳам кўп эмас. С витамини эса олмага қараганда апелсинда 10 баробар кўп.

Олма ошқозон ярасида жуда фойдали. Айниқса, юрак хасталиги, гипертензия, қони қуюқлашганда аспириин қабул қиладиган беморлар ҳам қилиш органида яра пайдо бўлишининг олдини олади. Италиялик олимларнинг таъкидлашича, олма аспирииннинг ошқозон шиллик қаватида салбий таъсирини йўқотади. Бунинг учун аспириин қабул қилганда олма ейиш керак. Бўғимлари оғрийдиган беморлар ҳам кўп олма истеъмол қилиши талаб этилади.

САРАТОН ОРКАДА ҚОЛДИ

Олма таркибидаги нитратлар сўлак безларида азот оксиди ҳосил қилади. Бу эса ошқозонни нафақат яра пайдо бўлиши, саратон касаллигидан ҳам асрайди. Шу билан бирга, олмада катехинлар ва хлороген кислоталар борлиги аниқланган. Улар нитратларнинг ёмон асоратларига барҳам беради. Шунга кўра, ҳафта-

да 5 та олма еган одам 100 та хасталикдан ўзини асрайди.

Олма ошқозон-ичак тизими учун ниҳоятда фойдали. Унинг таркибидаги моддалар йўғон ичак ва жигарда саратон хужайраларининг кўпайишига тўсқинлик қилади. Тиббий текширувда олма бўтқаси бошқа меваларникидан анча кучли эканлиги маълум бўлди.

Олимлар олма пўстидан экстракт, яъни бўтқа тайёрлашди. Аниқланишича, ушбу бўтқа саратонга қарши энг яхши самара берар экан. Сабоби, унда антиоксидантлар жуда кўп. Кучли антиоксидант ҳисобланадиган флавоноидлар олма пўстида мевасига қараганда 2-3, фенол кислоталар эса 2-6 баробар кўп экан. Демак, олманинг пўстини арчмасдан истеъмол қилиш фойдали.

Тадқиқотчилар олма пўстида янги шифобахш модда — тритерпеоидлар борлигини аниқлашди. У йўғон ичак ва жигарда учрайдиган хавфли хужайраларнинг кўпайишига қаршилик кўрсатиш баробарида бу жараёни тўхтатиш хусусиятига ҳам эга. Бу модда ҳозирда жиддий ўрганилмоқда. Шу асосда яқин келажақда янги дори-дармонлар ишлаб чиқарилиши шубҳасиз.

«Ҳамшираларнинг сало-

матлигини ўрганиш» халқаро текшириш дастури асосида 80 минг ҳамшира аёллар соғлиги кузатилди. Маълум бўлдики, кунига 1 та олма истеъмол қилган аёлда ўпка саратонининг ривожланиши камайар экан.

Инглиз олимлари ҳафтада иккита олма истеъмол қилган кишида бронхиал астма касаллигига чалинишнинг олди олинишини таъкидлашмоқда. Бу австралиялик ва финляндиялик олимлар синовида ҳам тасдиғини топди.

Олманинг ўпка ва нафас олиш тизими касалликларига жуда фойдалилигини нидерландиялик олимлар 13 минг кишини кўриқдан ўтказиш орқали аниқлашди. Уларнинг фикрича, олма ва нок нафас олиш тизимига энг яхши таъсир кўрсатади. Айтиш мумкинки, ҳафтада 5 та олма истеъмол қилмаган одамда бу тизим фаолияти анча суст бўлади. Бу жаҳонда энг етук пулмонологлар томонидан тасдиқланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, олма юрак ва қон-томир тизими хасталикларига фойдали. Шунингдек, инфаркт, инсулт, атеросклерознинг олдини олиш хусусиятига эга.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Янги марказ иш бошлади

Республика Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида қон касалликлари лейкоз (қон саратони) ва гемофилия (қоннинг ирсий касаллиги) каби оғир хасталикларга тўғри ташхис қўйилиб, лаборатория текширувлари амалга оширилади. Малакали мутахассислар беморларга сифатли хизмат кўрсатиш, гематологик ва онкологик хасталикларни даволаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда.

Вилоятлардаги олти худудий марказлар ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Осий тараққиёт банки билан тузилган келишувга асосан барча худудий бирлашмалар ва институт қон қуйиш станцияси тўлиқ таъмирланди.

Айниқса, яқинда «Гемофилия ва қон депрессияси маркази» биносида суяк кўмигини (ўзак хужайраларини) кўчириб ўтказиш марказининг очилиши нур устига нур бўлди. Бундай марказ Марказий Осийда ягона бўлиб, у қон тизими касаллиги бўлган беморларни замонавий гематологик ёрдам билан таъминлаш имконини беради.

Беморларга намунали хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида врач-гематологлар қайта ўқитилиб, ўзак хужайраларини кўчириб ўтказишда малакали мутахассислар бўлиб етишадилар.

— Ушбу хасталик билан оғриган беморлар шу кунгача жарроҳлик ўтказиш учун Россия ва Европа давлатларига боришига тўғри келарди, — дейди Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти илмий ишлар бўйича директор муовини Азиза Маҳмудова. — Институ-

тимиз қошида ана шундай марказнинг ташкил этилиши ушбу касаллик билан оғриган беморларга қулайликлар яратди. Айни пайтда марказда беморлар алоҳида бўлимларда 40-45 кун давомида даволанишади. Беморларнинг тузалиб оёққа туриб кетишида уларга кўмакка келаётган донорларнинг ҳам улуши катта. Ҳозир марказда даволанаётган кишиларнинг деярли тўқсон фоизи касалликдан бутунлай фориг бўлишмоқда. Бунинг учун марказимизда барча шароитлар яратилган. Ҳамкасбларимиз Туркияда, шунингдек, Санкт-Петербург, Москва каби шаҳарларда янги тиббиёт ускуналари билан ишлаш малакасини ҳосил қилиб, соҳада бўлаётган изланишлардан хабар топмоқдалар.

Суяк кўмигини (ўзак хужайраларини) кўчириб ўтказиш марказида замонавий текширувлар учун замонавий аппаратлар, лаборатория анжомлари шай қилиб қўйилган. Буларнинг бари — қон тизими касалликлари диагностикаси, давоси ҳамда бу йўналишда тиббиёт ходимларининг ўқитилиши жойларда қон хизмати фаолиятининг мувофиқлаштирилишига бевосита кўмаклашмоқда.

Наргиза АСАДОВА

Аждодларимиз касалликларни даволашда шифобахш гиёҳлардан кенг фойдаланишган. Халқ табобатида уларнинг фойдали хусусиятлари, турли хасталикларни тузатишда қўлланиши кўрсатиб берилган.

— Инсоннинг асаб тизимини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишда исмамоқнинг барги, уруги, илдизи, юрак ўйноғига барҳам беришда лимонўт, бангидевона, бўтақўз, карафа (селдерей) сингари кўкатларнинг аҳамияти бекиёс, — дейди биология фанлари номзоди Абдусалом Ҳуроқов. — Пиёз, саримсоқ, беҳи, ўрик, бодом, карам, кунжут, чилонжийда каби ўсимликлар астма касаллигига даво. Далалар, йўл ёқалари, экинзорлар, ўтлоқлар, дарё бўйи ва боғларда бегона ўт сифатида ўсадиган зўлтурум баргидан тайёрланган дамлама ёки унинг барги шираси билан йўғон ичак яллиғланиши, турли яралар, куйдирги касаллиги даволанган.

Жаннатмонанд юртимизда касалликларни бар-тароф этадиган бундай гиёҳлар кўп.

Талимаржонлик Шермат Қобилонни қирқ йилдан бери танийман. Шаҳардаги дорихонага мудирилик қилаётган бу инсон ҳаммиша янгиликка интилиб яшайди.

● Билиб қўйган яхши



— Кейинги йилларда ташкилотимиз жойлашган эллик сотихлик майдонда наъматак парвариш-лаб, мўл ҳосил етиштиряпмиз, — дейди у. — Доривор ўсимликларнинг мевасини кам таъминланган оила эъзолари, кекса ва ногиронларга текин таркатаман.

Минг дардга даво ҳисобланган шифобахш наъмат етиштиришнинг ҳадисини олган фидойи доришунос келгуси йили ўғли Нодиржоннинг фермер хўжалиги даласида бир гектар ерга наъматак экишни режалаштирган.

— Бир вақтлар далаларимизда Амударё суви билан оқиб келган ширинмиа ўсимлиги табиий ҳолатда ўсар эди, — дейди Нишон туманидаги «Дўстлик» хўжалигида узоқ йиллар раҳбарлик қилган қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Равшан Таштемиров. — Бу табиий доривор ўсимлик қаровсизлик сабабли йўқолиб кетди.

Шаҳрисабз, Китоб, Яққабог, Деҳқонобод туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида наъматак, анзур пиёзи, кийик ўти, равоч, чой ўти, сумбул, қизил лола, каврак, ёввойи мурч сингари табиий гиёҳлар ўсади. Уларнинг ҳам аксарияти «Қизил китоб»га киритилган.

Камёб ўсимлик ҳисобланмиш анзур пиёзини кўпайтириш борасида Китоб туманидаги Жоуз ўрмон хўжалигида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Бош ўрмончи Шарифбой Халиловнинг таъкидлашича, ҳар бир оила ихтиёридаги ўттиз-қирқ сотих майдонда анзурзорлар ташкил этилган.

Наъматак ҳам манзарали, ҳам шифобахш ўсимлик. Уни кўпайтириш учун олинган қаламчалар феврал ойида гулга кўмиб қўйилади. Кейин олиб эксангиз, баҳорга келиб ўса бошлайди. Фақат қунт ва эътибор керак.

Кўчки ва жарлик пайдо бўлишининг олдини олувчи илдизи бақувват тоғ бодоми, меваси шифобахш pista дарахти, таркибида 28 хил элемент, аминокислота, дармондорилар, эфирмойлар, асалари захари, смоласимон моддалар бўлган мўмиё, ерэнгоқ, ёнгоқ, исирик, каштан, семизўт, зира, каврак, қора зирк, алоэ, занжабил, анор, узум, тут меваси, анжир, саратон касаллигига қарши ишлатиладиган иттиканак, сепкилни йўқотиш воситаси такгак (ёввойи арпа)... эҳ-хе, санайвериб адогига етолмайсиз.

Она табиат — дорихона. Шундай экан, шифобахш гиёҳларни асраб-авайлаш, кўпайтиришга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Иззат ҲИКМАТОВ

Юртимизда спортнинг эшкак эшиш тури кун сайин ривожланиб бормоқда. Спортчиларимиздан Вадим Менков ва Юлия Борзованинг келгуси йили Лондонда ўтказиладиган XXX Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни нақд қилиб қўйгани, Жанубий Кореяда ўсмирлар ўртасида академик эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатида тўртликлар баҳсида Абубакр Узоқбоев, Зафар Усмонов, Абдурасул Муҳаммадиев ва Эрназар Ҳамидуллаевнинг олтин медал соҳиби бўлгани, В. Менковнинг қаторасига учинчи марта «Дунёнинг энг кучли каноэчиси» дея эътироф этилиши фикримизга далил бўла олади.



○ Матбуот анжумани

Биринчи марта Ўзбекистонда!

Яқинда Эроннинг Техрон шаҳрида Осиё каноэ федерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Кувонарлиси, 2013 йилда катталар ва ёшлар ўртасида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати ҳамда академик эшкак эшиш бўйича Осиё биринчилигига мезбонлик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистонга берилди.

Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида мусобақаларнинг тайёргарлик жараёнига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда «Бойдарка ва каноэ» федерацияси президенти,

Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тожиев, Миллий Олимпия кўмитаси раиси Малик Бабаев, Осиё каноэ федерацияси вице-президенти Татьяна Маматкулова, спортчилар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Матбуот анжуманида спортчиларимизнинг Олимпия ўйинларига, ташкилотчиларнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро мусобақаларга тайёргарлик жараёни ҳақида сўз борди.

— Ҳозирги кунда Осиё чемпионати ва биринчилигига ҳозирлик қизгин бормоқда. Энг муҳими, Самарқанд шаҳри яқинида, дарё сатҳидан 702 метр юқорида жойлашган каналда реконструкция ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. У жаҳоннинг илғор давлатларида ишлаб чиқарилган

асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Жумладан, хронометражинг электрон системаси, эстафета учун автоматик старт системаси, видеоузатиш, турли маълумотларни кўрсатувчи 9,98 ва 15,62 метрли нурли диод дисплей ва бошқа зарур ускуналар билан таъминланмоқда. Шунингдек, 2200 ўринга эга трибуна, меҳмонхона, конференц-зал, махсус тренажёр заллари қурилиши бошлаб юборилди, — деди «Бойдарка ва каноэ» федерацияси президенти, Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси Баҳодир Тожиев.

2012 йилнинг кузида барча ишлар ўз якунига етгач, яратилган шароит ва қулайликлар ҳамда каналнинг халқаро андозаларга мос таъмирланганини текшириб кўриш мақсадида синов мусобақалари ўтказилади.

Бу каналнинг таъмирланишидан кўзланган мақсад мусобақаларни юқори савияда ўтказишдан ташқари, қоби-


лиятли ёшларни тарбиялаш, юртимиз эшкак эшувчиларига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, ўқув-тайёргарлик йиғинларини олиб бориш учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамдир.

Шундан сўнг Олимпия ўйинларига тайёргарлик жараёни ҳақида сўз борди.

— Айни пайтда машғулотларга зўр берганмиз. Узоқ масофаларга сузишни кўп марталаб машқ қилаяпмиз. Чунки келгуси йилда бўлиб ўтадиган мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўришимиз керак. Олимпиада ўйинларида муносиб қатнашиш эса олдимизда турган муҳим вазифа. Ҳар бир спортчи бу халқаро мусобақада голиб чиқишни истайди, шу жумладан, мен ҳам. Бунинг учун эса бор имконият ва кучимни сафарбар этаман, албатта, — деди Вадим Менков.

Матбуот анжумани давомида ОАВ ходимларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар



○ Ашихара-каратэ

Куруқ кўл билан қайтиш йўқ



Руминиянинг Бухарест шаҳрида ашихара-каратэ бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган юртимиз вакиллари учта бронза медалини қўлга киритишди.

Беллашувларда дунёнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 400 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Юртимиз шарқ яккакурашлари марказидан хабар қилишларича, ўсмирлар ўртасида ўтказилган баҳсларда биргина мағлубиятга учраган Фозил Қодиров шохсупанинг учинчи поғонасидан ўрин олган. Унинг жамоадoshлари Ботир Тўраев ҳамда Шерзод Содиков ҳам ёшлар ўртасида бронза медалига сазовор бўлишди.

Пойтахтимизда шахмат бўйича ўтказилган «Олтин куз» турнирида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистондан жами олтин ва нафарга яқин шахматчи совринли ўринлар ва муҳим рейтинг очколари учун дона сурди.

Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада саккиз очко тўплаган Бобур Сатторов биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақани мағлубиятсиз якунлаган ягона шахматчи — Роман Голубев ҳам пешқадам билан бир хил очко жамғарганига қарамай, қўшимча кўрсаткичларга кўра, иккинчи ўрин билан кифояланди. Роман рейтинг турниридаги

сўнгги икки партияни асосий рақобатчиларига қарши ўтказди. У саккизинчи турда Бобур Сатторовни мот

Ўткир ақллар баҳси

қилди. Сўнгги турнинг марказий учрашувида Роман учинчи ўринда бораётган Сирожддин Нажмиддиновдан устун келди.

Хотин-қизлар ўртасида энг яхши

кўрсаткични ҳамюртимиз Елена Вербова қайд этди. Истеъдодли шахматчимиз сўнгги турда Тўйчи Асадуллаевни мот қилиб, жами олти очко жамғарди ва қўшимча кўрсаткичлар бўйича асосий рақобатчиси

— тожикистонлик ФИДЕ устаси Надежда Антоновадан ўзиб кетди. Мусобақада жами тўрт очко жамғарган спортчимиз Дина Абдулмажид эса учинчи бўлди.

○ Шахмат

○ Стол тенниси

Жамоавий ғалаба

Латвиянинг Рига шаҳрида 27 давлатдан келган спортчилар иштирокида ўтказилган «Гран-при» туркумига кирувчи халқаро турнирда Саида Маҳмудова, Нодира Бурхонхўжаева, Римма Гуфранова, Айнура Иброҳимова, Гулнора Акбаровва, Шаҳзода Жумабоева ҳамда Ольга Кимдан таркиб топанг Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Швециянинг Стокгольм шаҳрида 54 мамлакат спортчилари ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада ҳам ўз маҳоратини намойиш этган ўзбекистонлик теннисчилар умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.



○ Футбол

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси учун 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Олимп сари йўл

Осиё саралаш мусобақаларига тайёргарлик сифатида Вадим Абрамов шогирдлари Манана шаҳрида Баҳрайн олимпия терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида мезбонлар ҳисобни очди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси вакиллари вазиятни ўнглаш учун ҳужумни кучайтирди. Натижада, Олег Зотеев учрашуви якунланишига бир неча дақиқа қолганида ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Эслатиб ўтамиз, ўзбекистонлик футболчилар Лондон Олимпиадаси саралаш мусобақасининг учинчи босқичида Австралия, Ироқ ва Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоалари билан бирга «В» гуруҳида тўп сурмоқда.


Кеча футболчиларимиз БАА майдонида иккинчи тур учрашувини ўтказишди.

Саҳифа материалларини Адҳам АРСЛОНОВ тайёрлади.

Халқаро касаба уюшмалари фаолиятидан

Европа Иттифоқи

Европа Иттифоқи комиссияси раисининг маъмурий ишлар бўйича ўринбосари Марос Шефкович жорий молиявий-иқтисодий инқироз даврида Европа комиссияси институтлари раҳбар ходимларининг кунлик иш вақтини узайтиришни таклиф этди.



Меҳнат муносабатлари ислоҳоти

Шунингдек, у Европа Иттифоқи бюджетини тежаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб барча штат тоифалари бўйича ходимлар сонини беш фоизга қисқартиришни, уларнинг ҳафталик иш вақтини 37,5 соатдан 40 соатга, нафақага чиқиш ёшини эса 63 дан 65 ёшгача узайтиришни таклиф қилаётди.

Албатта, бу чораларда «евромалдорларнинг» иш ҳақи оширилиши ҳамда қўшимча иш вақти учун ҳақ тўлаш кўзда тутилмайди. Айтилган вақтда Марос Шефкович юқорида айтиб ўтилган институтларнинг касаба уюшма ташкилотлари билан ўзи таклиф қилган ислоҳот юзасидан қизғин музокаралар олиб бормоқда.

Россия

Маъмурий иш қўзғатилди

Россия Федерациясининг Камчатка вилоятидаги «Стройкомплекс» МЧЖ ўз ишчиларига ойлик маош тўловидан 1,7 миллион рублдан ортиқ миқдорда қарз бўлиб қолган. Камчатка Касаба уюшмалари ўтказган матбуот анжуманида корхонада 2007-2008 йилларда ойлик маошлар тўланмаганлиги туфайли ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган эди.

Ушбу маълумот асосида 19 октябр куни Петропавловск шаҳри прокуратураси текширув ўтказди. Натижада, корхонанинг 121 нафар ишчидан 1,79 миллион рубл қарзи борлиги аниқланиб, корхонага нисбатан маъмурий иш қўзғатилди.

Канада

Канада почта хизмати ходимлари мамлакат Олий судида товон пули тўлаш масаласида очилган ишни ютиб чиқишди. Мамлакат почта хизмати ва почтачи аёллари ўртасидаги бу тортишув 1983 йилдан буён давом этиб келаётган эди.



250 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ТОВОН ПУЛИ

Канада жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси (PSAC) инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Трибуналга, эркаклар билан бир хил лавозимда ишлаётган аёл ходимларга нисбатан кам ҳақ тўланаётганидан шикоят қилиб, маошлардаги фарқни тўлашни талаб қилган эди. 2005 йилда иш 300 миллион доллар талаб қилаётган касаба уюшмалари фойдасига ҳал қилинди. Аммо кейин бу рақам ярим бараварга қисқартирилди. 2008 йилда эса «Canada Post» почта хизматининг апелляция талаби билан Федерал Суд


Трибунал қарорини бекор қилди. Ўтган ҳафтанинг пайшанба куни Канада Олий суди сўнги босқич сифатида бу ишни қайтадан кўриб чиқди ва қарор қабул қилди. Олий суд қарорига кўра, почтачилар товон пули олиши лозим. Иш судларда кўриб чиқилганига қадар, аввал белгиланган 150 миллион доллар миқдор фоизлар ҳисобига ўсиб кетган. Эндиликда почта хизмати ўз ходимларига 250 миллион доллар товон пули тўлаши лозим. «Биз Олий суд қарорини ҳурмат қиламиз ва унга бўйсунамиз», дейилади «Canada Post»нинг қарорга нисбатан расмий жавобномасида.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YoAJ «Poytaxt filiali»da бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорларига асосан, «Toshshaharyuktrans» уюшмаси, «2512-avtojamlanma» корхонасига тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-«а» уйда сақланаётган қийдаги жадвалда кўрсатилган юк ташиш автотранспорт воситалари қийимокда:

№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси	№	Автотранспорт воситасини русуми	и/ч йили	Давлат рақами	Бошланғич баҳоси
1	ЗИЛ 138А	1983	10 АК 021	7328681,42	46	ЗИЛ 138А	1986	10 АУ 169	3855009,01
2	ЗИЛ 138А	1988	10 АУ 161	5466458,04	47	ЗИЛ 138А	1979	10 АД 054	3276714,35
3	ЗИЛ 138А	1987	10 АУ 171	2817138,81	48	ЗИЛ 138А	1986	10 АР 025	3003508,53
4	ЗИЛ 138А	1985	10 АУ 238	7399105,48	49	ЗИЛ 5551	1986	10 АР 024	3004663,61
5	ЗИЛ 138А	1991	10 АУ 168	9631981,13	50	ЗИЛ 138А	1984	10 АР 022	3866189,50
6	ЗИЛ 138А	1989	10 АУ 185	10933798,91	51	ЗИЛ 431610	1989	10 АР 019	5228016,53
7	ЗИЛ 138А	1991	10 АУ 166	11872061,16	52	ЗИЛ 138А	1991	10 АУ 165	12714806,41
8	ЗИЛ 138А	1981	10 АК 801	10070758,97	53	ЗИЛ 431610	1986	10 АУ 164	5795304,02
9	ЗИЛ 138А	1988	10 АУ 165	11964699,15	54	ЗИЛ 138А	1984	10 АУ 176	7101055,62
10	ЗИЛ 138А	1985	10 АУ 240	6061401,77	55	ЗИЛ 431610	1987	10 АУ 177	9452501,65
11	ЗИЛ 138А	1984	10 АУ 237	3065441,76	56	ЗИЛ 431610	1987	10 АУ 178	10041177,41
12	ГАЗ 5327	1989	10 АУ 246	10129398,80	57	ЗИЛ 431610	1987	10 АУ 179	8060896,15
13	ГАЗ 5327	1989	10 АР 030	8147046,72	58	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 183	9372336,05
14	ГАЗ 5327	1988	10 АР 018	6242942,81	59	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 184	9800652,53
15	ГАЗ 5327	1989	10 АУ 209	8888305,66	60	ЗИЛ 431610	1989	10 АУ 186	9578237,77
16	ГАЗ 5327	1990	10 АУ 207	5538469,43	61	ЗИЛ 138А	1982	10 АУ 190	6291689,23
17	ГАЗ 5327	1988	10 АУ 253	3850674,36	62	ЗИЛ 138А	1981	10 АУ 191	8518534,58
18	МАЗ 5549	1989	10 АУ 225	5892994,76	63	ЗИЛ 138А	1981	10 АУ 192	8499005,35
19	МАЗ 5551	1986	10 АУ 236	2408084,23	64	ЗИЛ 138А	1985	10 АУ 193	5337484,72
20	МАЗ 5549	1990	10 АУ 235	5534320,56	65	ГАЗ 5327	1986	10 АУ 196	5445535,19
21	ВАЗ 2121	1990	10 АТ 750	3942697,98	66	ГАЗ 5327	1987	10 АУ 199	5850094,85
22	ВАЗ 2121	1990	10 АТ 760	6061401,77	67	ГАЗ 5327	1991	10 АУ 201	11743874,29
23	ГАЗ 2411	1984	10 АТ 649	2493778,85	68	ГАЗ 5327	1990	10 АУ 204	9507633,30
24	ГАЗ 31029	1995	01 636 УАА	1674376,70	69	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 167	9629517,98
25	ВАЗ 2121	1990	ТНГ 1654	4973569,10	70	ЗИЛ 138А	1983	10 АУ 172	6004253,99
26	ЗИЛ 441510	1989	10 АА 742	5387911,69	71	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 173	7272161,34
27	ЗИЛ 138А	1982	10 АА 093	4928902,52	72	ЗИЛ 138А	1985	10 АУ 174	7129080,25
28	МАЗ 5549	1989	10 АА 092	5571818,48	73	ЗИЛ 138А	1984	10 АУ 175	5968084,63
29	ЗИЛ 138А	1981	10 АК 802	4949172,03	74	МАЗ 5549	1983	10 АУ 223	8754920,43
30	ЗИЛ 138А	1982	10 АК 797	5915714,69	75	МАЗ 5549	1990	10 АУ 231	7123114,41
31	ЗИЛ 138А	1978	10 АК 704	6120791,38	76	МАЗ 5549	1990	10 АУ 759	8043392,43
32	ГАЗ 5327	1989	10 АД 588	5310414,80	77	ЗИЛ 138А	1979	10 АУ 239	6643505,41
33	МАЗ 5549	1990	10 АУ 232	4810530,96	78	ГАЗ 5327	1988	10 АУ 251	8220040,20
34	МАЗ 5549	1990	10 АУ 230	5859977,07	79	ГАЗ 5327	1991	10 АУ 250	9990719,40
35	МАЗ 5549	1990	10 АУ 229	4352864,99	80	ЗИЛ 138А	1979	10 АК 795	6336097,45
36	МАЗ 5550	1989	10 АУ 228	4624009,57	81	ЗИЛ 138А	1970	10 АК 798	6259170,38
37	ГАЗ 531201	1990	10 АУ 212	6917766,63	82	ЗИЛ 138А	1980	10 АК 796	7370669,49
38	ГАЗ 5327	1991	10 АУ 210	5391118,32	83	ЗИЛ 138А	1982	10 АД 633	9234311,23
39	ЗИЛ 138А	1982	10 АУ 189	4318356,15	84	ГАЗ 5327	1990	10 АА 081	10502788,47
40	ЗИЛ 138А	1982	10 АУ 188	4351386,75	85	ЗИЛ 138А	1985	10 АА 085	8367305,76
41	ЗИЛ 431610	1982	10 АУ 187	2576258,57	86	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 162	6123293,71
42	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 182	5636552,37	87	ЗИЛ 138А	1982	10 АУ 160	8597240,63
43	ЗИЛ 431610	1988	10 АУ 181	3990338,50	88	МАЗ 5551	1986	10 АР 023	5740671,95
44	ЗИЛ 431610	1989	10 АУ 180	7802474,63	89	ЗИЛ 431610	1988	10 АР 027	4985809,54
45	ЗИЛ 138А	1982	10 АУ 170	3768556,94	90	ЗИЛ 138А	1985	10 АР 026	2308530,85

Аукцион савдоси 2011 йил 26 декабр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги юк ташиш автотранспорт воситалари 2011 йил 26 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, юк ташиш автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 29 декабр ва 2012 йил 19, 26 январь кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» YoAJ «Poytaxt filiali»нинг «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қийдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452140, СТИР 200933850, МФО 00425. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон: (8-371) 233-20-96. www.rkmb.uz



Англия

Буюкбритания Бирлашган пўлат кууювчилар Касаба уюшмаси ҳамда «Unite» Касаба уюшма ташкилоти томонидан тузилган «Uniting» Трансатлантик Иттифоқ ишчилари Лондон шаҳрида ўзининг илк курултойини ўтказди.

Трансатлантик Иттифоқ курултойи бўлиб ўтди

Курултойда АҚШ, Канада, Буюкбритания ва Ирландиялик делегатлар, шунингдек, Бангладеш, Колумбия, Мексика, Металлургия Халқаро Федерацияси (IFM), Кимё sanoati, энергетика ва тоғ-кон ишчилари Халқаро федерацияси (ICEM) дан ташриф буюрган меҳмонлар ҳамкорликдаги ҳаракат режаларини муҳокама қилишди.

«Unite» бош котиби Лен Маккласки ўз нутқида биринчи курултойнинг дунёдаги жорий иқтисодий бетартибликлар фониде ўтаётгани ҳамда ушбу тартибсизликларнинг меҳнатқашлар турмуш ва иш шaroитларига таъсири тўғрисида гапирди.

Курултойда соғлиқни сақлаш ва давлат муассасаларида иш ўринларини қисқартиришга қарши чора-тадбирлар, акционерлик жамиятлари ишчиларининг иш вақтлари ташкил этилиши, акционерлик жамиятларида жамоа музокаралари назорати, соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги, ўзаро тенглик ҳуқуқи, ишчилар малакасини ошириш ва электрон коммуникация масалаларини кенгайтириш, Мексика, Колумбия, Бангладеш сингари мамлакатларда касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди.

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 12 ноябрдаги 135 (3016)-сониде чоп этилган эълон «RMM» YoAJ «Poytaxt filiali»га тегишли 2011 йил 12 декабрда ўтказилиши белгиланган, аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасига қарашли автотранспорт воситаларининг сақланаётган манзили «Тошкент вилояти, Қибрай тумани Юқори-Ўз кўрғони» деб кўрсатилган манзил «Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 35-уй» деб ўқилсин. Муружаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон: 233-20-96. www.rkmb.uz

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши «Андижон-чарм» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Қудратбек ЖўРАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Диққат: «Ёнфин хавфсизлиги ойлиги»!

«Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бир мунча ортиб бориши билан ёнфин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябр кундаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 25 ноябрдан 25 декабрга қадар Республика миқёсида «Ёнфин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — «иктисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондиди ёнфин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнфин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнфин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлашимизки, бу даврларда ёнфин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнфин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнфин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнфин хавфсизлиги Бош бошқармаси



Қишлоқдош

Асад Ашурович ароқ шишасини қўлига олди. Мен эса шишанинг бўйнидан маҳкам ушладим.

— Бу билан келишолмайман.

— Хоҳишингиз... — кистамади танишим. — Менам хушламайман шу савилни. Газетада бир-икки нарсангизни ўқидим. Марказда ижод қилаётган шоирларниқидан кам эмас. Яшанг!

— Қайси газетада? Нимани ўқидингиз!

Асад Ашурович ош товонини олдимга суриб, берган саволимни жавобсиз қолдирди.

— Ош совимасин. Бошланг қани? Биласизми, — у яқин кунларда ҳаётида муҳим бир янгилик содир бўлиши ҳақида мени хабардор қилди. — Ишни ўзгартирмоқчиман. Йўқлатганимда келинг. Идорамнинг эшиги сиз учун ҳамisha очик бўлади. Келишдикми? Эҳтимол, бир-биримизни қўллаб турармиз.

Ароқ-вино ишлаб чиқарадиган заводга директор бўлиб ишга ўтганини эшитиб қишлоқдош сифатида ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Шу орада «Шарикли бош» деб номланган ҳикоялар тўпламин босмадан чиқди. Қандайдир бир хоҳиш мени Асад Ашурович томонга етаклайверди. Балким, хурсандчиликни қишлоқдош билан баҳам кўришни кўнглим истагандир... Китобдан бир дона олиб, йўлга тушдим. Қабулига биров кириб, биров чиқаяпти. Сабр-тоқат билан кутдим. Котиба қиз менга юзланди.

— Келганингизга бир соатдан ошди. Каттага кирасизми?

— Бошлигингизнинг қишлоқиданман, — котибага таништирадим ўзимни. — Китобимдан совға қилиб, янги иши билан табрикламоқчи бўлиб келувдим. Кир деса, кираман.

Котиба директорнинг ёнига кириб чиқач, бўшашибгина ўрнига ўтирди. Қоғозларни тартибга келтирган бўлиб, куймаланди.

— Хўш? — ундан жавоб кутдим. — Кирсин, дедими?

— Хафа бўлмайсиз... — ерга тикилганча жавоб берди котиба. — Ундай қишлоқдошни танимайман, дедилар. Бунинг устига Тошкентга чақиришганмиш... Шошилаётган эканлар.

Хом сут эмган банда. Мен ўзи бу идорага нимага келдим?.. Котибага «қишлоқдошиман» демаганимда ҳам бунчалик ўсал бўлмасдим. Эшик очилиб, Асад Ашуровичнинг ўзи чиқиб келди. Ўрнимдан туриб, салом бердим.

— Кимсиз? Негадир таний олмай турибман.

— Уч ой илгари танишган қишлоқдошим рўпарамдаги бу такаббур одамга сира ўхшамас эди.

— Сизни... Ҳалигидай... — гапим гапимга қовушмай, чайнала бердим.

— Менда нима ишингиз бор?

— Ишим йўқ. Шунчаки... Қиш... қишлоқ...

У котибага нималарнидир буюриб, шахдам одимлар билан идорадан чиқиб кетди. Аммо, бўларим

Ҳажвия

Бу одам билан бир зиёфатда танишдим.

— Эшитишимча, Чуқурли қишлоқлик экансиз?

— Ҳа! — дедим қадрдоним билан учрашиб қолгандек хурсанд бўлиб. — Ўзингиз ҳам ўша қишлоқдан экансиз?..

— Отим Асад, — у қўлини мен томон чўзди ва қўшиб қўйди. — Асад Ашурович. Қирқ йил бўлибди қишлоқдан чиққанамга. Шаҳарлик бўлиб кетдик. Чуқурли қишлоқидан шоир чиқади деб ҳеч ким башорат қилмаган... Бунга қаранг-а. Танишганимиз учун.

бўлган эди.

Ўлмаган қул, кунлардан бир кун вилоятнинг обрўли газеталаридан бирига бош муҳаррир этиб тайинландим. Баҳоли қудрат газетанинг ўқимишлиги учун ақлу салоҳият, имкону имкониятни ишга солиб меҳнат қилиб турдим. Кунларнинг бирида масъул котиб хузурига кириб, Асад Ашурович деган қишлоқдошим киришга рухсат сўраётганини маълум қилди. Бу нухсанинг отини эшитиб, бошимдан оёғим учигача бир совуқ оқим шовуллаб югургандек бўлди. Уч йил олдинги ўша учрашув кўз ўнгимда чақмоқдек чақилди. Ярим соат чикмай турдим. Кутиб-кутиб кетиб қолишини жуда-жуда истар эдим. Йўқ, бўлмади. Эшикни очим билан Асад Ашурович «дик!» этиб ўрнимдан туриб кетди.

— Ассалому алайкум, қишлоқдош.

— Негадир танимаяпман сизни? — бўйнимни ғоздек чўзиб, қилган муомаласини айнан қайтардим. — Кимсиз? Менда бирор ишингиз борми?

— Ишим? ...Ишим йўқ, — эсанкираб қолди Асад Ашурович. — Шунчаки... Бир кириб...

— Ишингиз бўлмаса, хайр. Мени Тошкентга чақиришган. Бормасам бўлмайди.

Тахририятдан чиқиб кетяпман-у, қаерга бораётганимни ўзим ҳам билмасдим.

Турсунбой БОЙМИРОВ. Хусан СОДИҚОВ чизган сурат

«ОТАХОННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» ТУРКУМИДАН



Рассом: Баҳром ТҶОҲИЕВ

Газетанинг навбатдаги сони 29 ноябр, сешанба кунини чиқади.



oliy baxt

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bizga qo'ng'iroq qiling:

Kotibiyat: 256-52-78
Xatlar bo'limi: 256-85-43

Viloyat muxbirlari:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 679 32 79;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3. Hajmi 4 bosma taboq.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chas, 24-uy. Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Ishonch»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik materiallar h belgisi ostida chop etiladi.

E-mail: ishonch 2011@gmail.com



«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chas, 41-uy

Navbatchi muharrir:

J. Sharofboyev

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Sahifalovchi-dizayner:

H. Abdullilov

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi - 21.00

Buyurtma 1-111

Tiraji: 12968

ISSN 2010-5002

1 3 4 5